

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ, ТАРИХ ЙЎНАЛИШИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН
Тарих факультети декани
_____ доц.С.Ғозиев
« _____ » _____ 2012 йил

IV курс талабаси
Қосимов Фарходнинг

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик
сиёсати ва унинг оқибатлари**

Кафедра мудири в/б:

Тошбоев Ф

Илмий раҳбар:

Ярматов Р

Илмий маслахатчи:

т.ф.н.доц.М.Пардаев

Такризчилар:

т.ф.н.доц.А.Пардаев

Ушбу БМИ “Умумий тарих” кафедрасининг « _____ » _____ даги « _____ » _____ сонли
мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган

Жиззах – 2012

Мавзу: Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатлари.

Р е ж а:

Кириш:

- а) Мавзунинг актуаллиги ва замонавийлиги
- б) Мавзу тарихшунослиги

I-Боб: Ўрта Осиё хонликларининг Чор Россияси томонидан истило қилиниши

- 1.1. Рус босқинчиларининг Ўрта Осиёга дастлабки тажовузкорона ҳаракатлари.
- 1.2. Хонликларнинг Чор Россияси қўшинлари томонидан бирин-кетин истило қилиниши.
 - а) Қўқон хонлигининг истило қилиниши
 - б) Бухоро амирлигининг истило қилиниши
 - в) Хива хонлигининг истило қилиниши
- 1.3. Ўрта Осиёда мустамлака ҳукмронлигининг жорий этилиши

II-Боб: Рус босқинчиларининг Туркистонни иқтисодий ва маънавий тутқинликда тутиш сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш усуллари

- 2.1. Туркистонни хом ашё манбаи ҳамда тайёр маҳсулот бозорига айлантиришнинг салбий оқибатлари.
- 2.2. Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати.
- 2.3. Мавзуни янги педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг аҳамияти.
 - а) Мавзуни “Мунозара” ва “Кейстади” услуби асосида ўқитиш.
 - б) Мавзуни ўрганишда дарсларда баъзи ўзаро фаол усуллар ва услубларни қўллаш бўйича ўқитувчига тавсиялар.

-Хулоса

-Фойдаланилган адабиётлар

-Мундарижа

Кириш

А)Мавзунинг актуаллиги ва замонавийлиги

“Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш” мавзусини чуқур ва ҳар томонлама илмий ўрганиш бугунги кун учун долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Юртбошимиз И.А.Каримов “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий кувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуролланиш, яна бир бор қуроллантириш зарур”¹ деб таъкидлаган эдилар. Ушбу сўзлар замирида қанчалик ҳақиқат ётганлиги ҳаммамизга кундек равшан.

Нима учун мен бу мавзунини танладим?

Ўзбекистон ўз эркинлигини қўлга киритгач, ўзбек халқи учун кечаги кунга назар ташлаш, сўнгги мустамлакачилик асоратини ўрганиш ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан муҳим аҳамият касб эта бошлади. Чунки, миллатни асраш учун унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, уни ҳимоя қилиш керак бўлади.

Мен изланиш олиб бораётган ушбу мавзу мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тадқиқ қилиниб, ўрганилиб келинаётган бўлсада, лекин бугунги кунда ҳам унинг очилмаган қирралари мавжуд. Чунки, ёзилаётган мақола, тўплам ҳамда китобларда Чор Россиясининг Қўқон хонлигини, бухоро амирлигини босиб олишда жиддий қаршиликларга ўчраганликлари халқ ичидан етишиб чиққан қаҳрамонлар душманларга етарлича қийинчилик туғдирганликлари ёритилган бўлсада, аммо шу билан бирга чор маъмурлари томонидан Хива хонлигини босиб олишдаги қабихликлар, қолаверса, Чор Россияси қўшинларига қарши курашган ватан қаҳрамонлари ҳақида, уларнинг кўрсатган бетакрор жасоратлари ҳақида жуда ҳам оз маълумотлар билан чекланиб қолганликларини кўришимиз мумкин. Масалан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг

¹ И.А.Каримов «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз». Т, Ўзбекистон, 1999.149-бет.

“Фан” нашриётидан чиққан “Ўзбекистон халқлари тарихи” номли ИИ-жилдлик китобда рус босқинчиларига қарши сўнгги нафасигача курашган халқ қаҳрамони Амир лашкар Алимқулнинг қилган ишлари, кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида жуда қисқа маълумотлар берилган.

Менинг “Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш” мавзусини ўрганишимдан ва шу мавзу юзасидан изланиш олиб боришимдан мақсад ватандошларимизнинг мустамлакачи чор маъмурларига қарши курашидаги жасоратларини, мардонаворликларини чуқур ўрганиб, ўз илмий ишимда акс эттиришдан иборат. Бу ҳаракатим, изланишим билан юртимизда яшаётган ҳар бир шахс калбида ота-боболари ҳақида фахрланиш туйҳусини уйғотишдан иборат. Қолаверса халқимиз эришган истиқлол ғоялари жамиятимизнинг ҳамма соҳаларига чуқур ўзгаришлар билан тобора сингиб ва кенг томир отаётган бир вақтда ҳур Ўзбекистонда ҳар томонлама иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишни юксалтиришда, дунёнинг илғор мамлакатлари даражасига кўтариш мақсадида халқимизнинг бой маънавиятини ўрганиш, асрлар давомида тарихий шаклланиб ҳамда мужассамланиб келаётган миллий ва умуминсоний қадриятларимизни тиклаш ва такомиллаштириш, уларни турмушига тадбиқ этиш орқали бугунги давр кишисини тарбиялашда “Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш” мавзусини чуқурроқ тадбиқ қилиш долзарб масала эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Илмий тадқиқот ишимдан асосий мақсад мавжуд маълумотларни тўплаб, уларни атрофлича ўрганиш, улар асосида мустамлакачилик сиёсатининг оқибатларини таҳлил қилишдан иборат.

Бу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ечишни тақозо этади:

- рус босқини арафасида хонликлардаги ижтимоий-сиёсий аҳвол;
- рус босқинчилари томонидан йиллар мобайнида тўпланган жосуслик маълумотларининг қўл келиши;

- мустамлакага айлантиришдан кўзланган мақсадни аниқлаш;
- босқинчилик сиёсатини олдиндан режалаштирилган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш;
- махаллий ҳукмдорларнинг ўзаро келишмовчиликлари, душман кўшинларига нисбатан ҳарбий салоҳиятининг пастлиги;
- мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган халқ ҳаракатлари, уларнинг жанг олиб бориш тактикаси;
- рус маъмурларининг босиб олинган ҳудудларда руслаштириш сиёсатини олиб бориши, шу билан бирга Туркистонни хом-ашё базасига айлантириши борасида қилган ишларини кўрсатиб беришдан иборат.

Б)Мавзу тарихшунослиги.

“Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш”да мавзу тарихшунослигига эътиборни қаратадиган бўлсак, маълум маънода адабиётлар кўламининг кенглигини кўрамиз. Туркистон ўлкасининг рус мустамлакачилиги даврида кечган воқеалар гирдобини тарихий-илмий адабиётларда атрофлича ёритилган бўлсада, биз уларни икки туркумга бўлиб ўрганамиз. Чунки ўша пайтда Туркистоннинг босиб олинанишидан манфаатдор бўлган дворян, помещик ва зобитлар томонидан берилган маълумотларда Туркистоннинг босиб олинаниши энгил кечганлиги, ҳеч қандай тажавуз бўлмаганлиги, гуёки Туркистон ўз ихтиёри билан Чор Россияси ихтиёрига ўтганлиги таъкидлаб ўтилган бўлса, иккинчи туркум адабиётларда Туркистоннинг босиб олинаниши осон кечганлиги, маҳаллий халқнинг жиддий қаршилигига учраганлиги, жуда кўплаб аҳолининг қони тўкилганлиги ҳамда мустамлакачилик сиёсатининг оғир оқибатлари ёритиб берилган. Бу адабиётлардан босқинчи генерал-лейтенант Терентьев² ўз асарида К.П.Фон Коуфмоннинг “ўлкани ўзлаштирувчилик” фаолиятига таҳсинлар ўқийди. “Муаллиф рус дворянлари ва копиталистларининг манфаатлари ҳимоячиси сифатида қалам тебратган”.

² Терентьев «Ўрта Осиёнинг босиб олинаниши тарихи», 1906.

Маҳаллий адабиётларга назар ташлайдиган бўлсак, Абдулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари ўша даврда ёзилганлиги, фактларнинг аниқлиги, бўлган воқеалар ёлғон-яширик сўзлар ишлатилмасдан ёритилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Масалан, асардаги қуйидаги бир парчага эътибор берсак, “Ёйиқ теганда юруғон ўруснинг қозоқиндин минг киши саратоннинг аввалги куни ғофил келиб, Урганчнинг қалҳасига кирди. Шаҳарда ромятдан ўзга киши йўқ эди. Хоннинг ўрдаси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабида эрдилар. Хивокда хонга киши чоптурдилар. Етти кунда хон келди. Урганчда ромятдан минг киши уйтирди ва минг қиз билан жувонни олди”.³ Ушбу бўлган воқеа тафсилотидан кўриниб турибдики, Абдулғозий Баҳодирхон ўша даврда воқеалар тафсилотларини қандай бўлса шундайлигича тасвирланган.

Туркистонни Чор Россияси томонидан босиб олиниши жуда кўплаб тарихчиларимиз томонидан ҳам атрофлича ёритиб берилган. Масалан, Юсуф Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшохий”, Мирзо Олим Мушрифнинг Кўқон хонлиги тарихи ҳақидаги “Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавоқин”, Аваз Муҳаммад Аттор Ҳуқандийнинг “Тарихи жаҳонномаи”, Аҳмад Донишнинг “Таржимот ал-аҳвол амирони Бухоройи Шариф” каби асарларидан ўша давр воқеаларини ўрганишда кенг фойдаланиш мумкин. Илмий тадқиқот олиб борадиган мавзунини ўрганишда фақатгина тарихий асарлар эмас, балки бадий адабиёт намуналари ҳам етакчи хусусиятга эга. Рус босқинчиларига қарши мардонавор курашиб ҳалок бўлган лашкарбоши Алимқул жасорати ҳақида ўн йил Сибир бадарғасида бўлган ватанпарвар Мулло Холбек ибн Мусо Андижонийнинг дoston яратганлиги”⁴ бунга мисол бўла олади.

Эшит, эй жамияти аҳли расолар,

Фақиру бой, мискин, нарсолар,

Асирман Русия куффор элинда,

Овохтада, уй мискини, саллот қўлинда.

³ Абдулғозий Баҳодирхон. “Шажараи турк”. Т, Чўлпон, 1992, 158-бет.

⁴ Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т, Шарк, 2000, 23-бет.

Бу ташвишлар илон йилнинг қишинда,
Сана минг икки юз тўқсон бешинда.
Бадарға айлади ислом еримдин,
Бўлуб ҳоким биза Русия бедин...
Русия юртига ўн йил субҳи шом,
Қўйғон эрди маҳкум этиб йўл шоҳи урус,
Муддати ўн йил тамом беками кўст,
Истиқомат айладим ғурбат билан,
Қўшулуб маъмурга, бул иғво қилон,
Деб бадарға айлади, булдур сабаб,
Ғурбат ичра бўлди дафтор қанча кўб.⁵

Истиқлолга эришганимиздан сўнг Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олинishi мавзуси юзасидан бир қанча адабиётлар, тарихий-илмий мақолалар, манаграфиялар чоп этилди. Бу адабиётлар ўзларининг илмийлик даражаси, маълумотларнинг аниқлиги, қолаверса, бирон-бир мафкура таъсиридан холи эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳамид Зиёев ўзининг “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш” номли китобида бўлган воқеалар тафсилотларини аниқ ва лўнда қилиб бериб, генерал Фон Кауфмоннинг разилликлари, хонларнинг журъацизликлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, асарда ўша даврдаги хонликлардаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, улар ўрталаридаги ўзаро муносабатларнинг таранглашганлиги ҳақида ҳам тарихий маълумотлар тўлиқ келтирилиб ўтилган.

Ажабланарли томони шундаки, асарда Хива хонлигининг рус босқинчиларига қарши кураши, ҳалқ ичидан чиққан қаҳрамонларнинг жасорати, ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтган ҳудудларни кўрсатишида бир оз келишмовчиликларга йўл қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

⁵ Қаранг: Мулла Холбек ибн Мусо Андижоний. “Алимқул жангномаси” достонидан парча.

Х.Г.Ғуломовнинг 1992 йилда нашрдан чиққан “Истории дипломатических отношений России в Бухарском ханстве XVIII век” асарида русларнинг Ўрта Осиёга уюштирган дастлабки экспедициялари Бекович Черкасский ва Бугьгалс бошчилигидаги қандай шармандаларча ортга қайтишлари, шунингдек элчи Эрназар Мақсуд ўғлининг фаолияти, унинг Россия империяси Давлат Думаси Кенгашида бўлганлиги, яхши ва моҳир дипломат эканлиги ҳақидаги маълумотлар⁶ аниқ ва лўнда қилиб ёритиб берилган тарихчи Азамат Зиё ўз асарида⁷, Чор Россияси бочкини арафасида хонликлардаги сунъий суғориш ишлари, қурилиш ва деҳқончиликдаги аҳвол ҳақида аниқ маълумотлар берган.

Умуман олганда Туркистоннинг Чор мустамлакачилари томонидан босиб олиниши ҳақида тарихчи олимлардан Доно зиёева, Р.Шамсутдинов ва Ҳ.Бобобековлар ўзларининг асарларида⁸ янги чиқишлар, очилмаган қирраларни очишга ҳаракат қилдилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишга берган эътиборлари натижасида тарихчи олимларимиз томонидан ИИИ-томли “Ўзбекистоннинг янги тарихи” яратилди. Бу китобнинг яратилиши ҳалқимиз ва мамлакатимизнинг кўҳна ва бой тарихини чуқур уйғотиш ҳамда ҳаққоний таҳлил қилиш йўлида қўйилган дастлабки қадам бўлди.

Асар ўзининг мукамаллиги, маълумотларнинг аниқлик даражаси ва шу билан бирга бирон-бир мафкура таъсирида қолмаганлиги билан салмоқли ҳисобланади.

-Мен ўз илмий тадқиқот ишим орқали Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги таъсирида бўлган даврни янада чуқурроқ ўрганиб, очилмаган қирраларни очишга ҳамда уни ёш авлодга етказишнинг янги йилларини ўрганишга ҳаракат қиламан. Бу ишни мен ўз олдимга қўйилган

⁶ Ҳ.Зиёев. Туркистонда россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т, Шарқ, 1998.

⁷ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т, Шарқ, 2000.

⁸ Доно Зиёева. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихнавислигида диссертацияси. Р.Шамсутдинов. “Тарихий меросимизга бир назар”. Андижон, Мерос, 1994. Ҳ.Бобобеков. “Қўқон тарихи”. Т, Фан, 1996. Ҳ.Бобобеков. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми? Фан ва турмуш. 1989, 8-9 сонлар.

катта вазифа деб биламан.

Мавзуни ўрганишдан, таҳлил қилишдан келиб чиқиб ҳолис илмий ҳулосалар яратиш, воқеликка янгича нуқтаи назар билан ёндашув асосидаги олинган билимларни ўқитувчиларга етказиш, ўзлигимизга, давлатимизга таъсири жуда катта бўлган мустамлакачилик даврини ва мана шу даврнинг салбий ҳамда ижобий оқибатларини тушунарли қилиб ёш авлод онгига сингдириш орқали мустақил одимлаётган Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққий этишида камарбаста бўладиган баркамол авлодни фарзандларимизни тарбиялашда мазкур тадқиқотнинг тутган ўрни ва аҳамияти жуда каттадир.

Юртбошимиз И.А.Каримов 1998 йили тарихчи олимлар ва журналистлар билан қурган даври суҳбатида шундай деган эдилар:

“Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас”⁹. Дарҳақиқат ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Бугунги кунда барча тарихчи олимлар, академиклар, профессорлар ҳамда қолаверса биз ёш тарихчиларнинг олдида давлатимизнинг, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш каби ғоят муҳим вазифа турибди. Президент И.Каримов тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга “...сизлар мамлакатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш эцин, ғурурини уйғотинг”¹⁰, деб мурожат қилганликлари ҳам бежиз эмас.

Малакавий битирув ишининг мавзуси “Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганишга янгича муносабат” деб номланади. У қуйидаги тартибда ёритилган:

-Кириш, ИИ-Боб, 6та параграф, ҳулоса қилиш ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Биринчи боб “Ўрта Осиё хонликларининг Чор Россияси томонидан истило этилиши” деб номланиб, бу бобда хонликларнинг Чор Россияси

⁹ И.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т, Ўзбекистон, 1999, 153-бет.

¹⁰ Юқоридаги китоб. 153-бет.

томонидан босиб олинишидаги шарт-шароитлар, хонликларнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатининг жорий қилиниши масалалари ёритилган.

Иккинчи боб “Рус босқинчиларининг Туркистонни иқтисодий ва маънавий тутқинликда тутиш сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш усуллари” деб номланади. Бу бобда мен Туркистоннинг хом ашё базасига айлантирилишининг салбий оқибатлари, Чоризмнинг Туркистондаги фан, санъат, маориф ва маданият соҳаларида юритган сиёсатлари ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилганман. Шу билан бирга мактабда ўқувчиларга мавзунини ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган янги методлар ҳақида ҳам фикр юритганман.

Битирув малакавий ишимнинг мазмуни назарий ҳамда услубий асосларда ёритилган.

II-Боб: Ўрта Осиё хонликларининг Чор Россияси томонидан истило этилиши

1.1.Рус босқинчиларининг Ўрта Осиёга дастлабки тажовузкорона ҳаракатлари

XVII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё хонликларини Россия империяси томонидан босиб олиш хавфи туғилди. Россия ҳукумати ўзбек хонликлари ҳақида кенг кўламда жосуслик маълумотларини тўплай бошлади. Бу ҳолат “Москва савдо компанияси” деб аталган ташкилотнинг вакили Антони Женкинсон бошчилигидаги элчиларнинг фаолиятида яққол намоён бўлди. Антони Женкинсон Ричард ва Роберт Жонсонлар билан биргаликда 1558 йилнинг апрелидан то 1559 йилнинг 2 сентябригача Бухорода бўлади ва Абдуллахон II билан учрашадилар.

Женкинсон ва унинг ҳамроҳлари бир йил-у тўрт ой мобайнида Бухоронинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий аҳволи ва халқаро алоқалари ҳақида маълумот тўплашга интиладилар. Рус давлати бундан кейин ҳам зўр бериб, хонликлар ҳақида маълумот йиғишда давом этди. 1620 йилда Иван Хохлов, 1669 йилда Б.А. ва С.И.Позухинлар, 1675 йили эса В.А.Даудов бошчилигидаги элчиларини Ўрта Осиё хонликларига жўнатди. Улар Бухоро, Хива, Урганч ва Балхда бўлишиб, ўзбек хонликларининг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий аҳволи билан яқиндан танишадилар. Россия империяси “сохта”элчилардан ташқари Орол бўйларида то Каспий денгизгача бўлган катта кенгликларга ўзининг илмий ва ҳарбий экспедицияларини жўната бошлайди.¹¹

Дастлабки ҳарбий экспедиция рус подшоси Пётр I даврида жўнатилади. Пётр Iнинг бундай йўл тутишига 1713 йилда Аштархонга келган манғишлоқлик туркман савдогари Хўжа Нафас берган маълумотлар асос бўлди. Чунки Хўжа Нафас Пётр I билан қилган суҳбатида қадим замонларда Амударё Каспий денгизига қуйилганлиги, аммо кейинчалик маҳаллий аҳоли дарёни тўғон билан тўсганини ва қуриган ўзан ҳам

¹¹ Шамсутдинов Р, Каримов Ш. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон. Мерос, 1998, 12-бет.

олтинга бойлигини айтади. Хўжа Нафаснинг маълумотини айнан шу вақтда Санкт-Петербургга кегна Сибирь губернатори Матвей Гогарин ҳам тасдиқлайди ва Ёркент шаҳри яқинида Сирдарё соҳилидан олиб келинган олтин намуналарини кўрсатади. Пётр 1 энди махфий режа тузиб, бу олтинларга эга бўлиш учун ўзбек хонликларига иккинчи экспедиция жўнатишга Пётр Ининг буйруғи билан 1714 йил 22 майда тузилади. Унга капитан Иван Бухгольс раҳбарлик қилади. Экспедиция 1715 йил Тобольскдан чиқиб, Иртиш дарёсининг юқори оқими бўйлаб йўл олади. Ҳарбий экспедиция 60 км.га ва 2 минг кишидан иборат бўлади. Бухгольс экспедицияга қўйилган вазифа қуйидагича эди:¹²

-Иртиш дарёси бўйича қалъа қуриш;

-Амударёдаги олтин сочмаларини текшириш ва дарёнинг негизига қўйиладиган ерни аниқлаш ҳамжа тадқиқ этишдан иборат эди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Пётр 1 томонидан жўнатилган дастлабки Бухгольс экспедицияси ўз фаолиятини тугатмасданок, қайтишга мажбур бўлади. Чунки экспедиция Яминчевга етиб бориб қалъа қурилишини бошлаган бир вақтда ўн минг кишилик қалмоқлар қаршилигига дуч келиб, 3 ойлик қамалдан сўнг 1716 йилда Тобольскка қайтишга мажбур бўлади. Биринчи экспедициянинг мағлубиятидан сўнг Подшо Пётр 1 Бекович – Черкасский экспедицияни жўнатишга қарор қилади. Пётр 1 томонидан Бекович Черковскийга жўнатилган кўрсатмада қуйидагича бандлар мавжуд эди:

-Амударёнинг Каспий денгизига қўйиладиган жойида минг кишилик истехком қуриш, Амударё оқими ва тўғонларини синчиковлик билан ўрганиб, уни иложи бориша эски ўзанига буриб юбориш;

-Хива хонлигини рус давлати тобелигига ўтказиш, агар хон рози бўлса, шароити кўтарса қўшиннинг таъминотини бўйнига олиш;

-Хива хонлигидан Бухоро амирлигининг Рус давлати тобелигига ўтишга ҳохиши бор-йўқлиги билиниши. Борди-ю бундай истак бўлмаса,

¹² Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Р.Муртазаева таҳрири остида. Т, 2000, 214-бет.

дўстлик муносабатлари ўрнатишга эришилиш.¹³

Умуман олганда пётр 1 нинг қайдномасида яна бир неча бандлар бор эди. Унинг тузган режалари бўйича Хива хонлиги гуёки осонликча таслим бўладиган кўринарди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, экспедиция таркибида турли хил соҳа вакиллари бор эди. Бекович-Черковский 3 мингдан ортиқ қўшин билан 1717 йил май ойининг охири – июннинг бошларида Гурьевдан чиқиб, Хива томон юради. Жуда катта қийинчиликнинг босиб ўтаётган экспедиция раҳбари Бекович-Черковский Янги сувга келгач, тинчлик ва дўстлик элчиси сифатида бораётганлигини маълум қилиш учун Шерғозихон ҳузурига Михаил Коретовни жўнатади. Бекович-Черковский бошлиқ харбий экспедициянинг сўнгги тақдири Ҳ.Зиёнинг “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш” асарида жуда яхши ёритилган.

1717 йил июнь ойининг бошларида Хива хони Шерғозихон ўз қўшини билан Бекович-Черковский қўшинига қарши жангга отланади. Жанг жиддий талофатларни олиб келади. Чунки Хива хонлиги қўшинларининг қуролланиш даражаси жуда паст эди. Ватан ҳимоячилари олов ёқиб отиладиган милтиқ яъни айлтали милтиқ қилич, найза, ойболта, ўқ-ёй ва бошқа оддий қуроллар билан қуролланган эди.

Манбаларда Хива қўшинининг сони юз минг ёки 60 минг атрофида бўлганлиги кўрсатилиб ўтилади. Жиддий талофат кўрган Хива хонлиги қўшинлари Шерғозихонни дипломатик йўл билан алоқалар боғлашга мажбур этади. Хива ҳукмдори Бекович-Черковскийнинг олдига элчиларини юбориб музокаралар бошлайди. Музокараларда иккала томон ҳам ўзаро бир-бирига ҳужум қилмасликка қарор қилишади.

Ниҳоят Бекович-Черковский княз Михаил Сомонов, бригадир Григорий Волков, 700 аскар ва бошқа кишилар билан хон ҳузурига йўл оладилар. Хива хони Шерғозихон томонидан экспедиция раҳбари Бекович-Черковский ва Михаил Замоновларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бу

¹³ Ҳ.Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т, Шарқ, 1998, 55-бет.

вақтда Хива қўшини Бекович-Черковский орқасидан келаётган рус аскарларини яқинлаштирмадилар. Шерғозихон яхши қуролланган рус аскарларини енгил мураккаблигини ҳисобга олиб, Бекович-Черковский хузурига ўзбекни юбориб рус қўшинларининг барчасини Хивага жойлаштириш ва тақсимлашнинг имкони йўқлигини ва уларни беш бўлакка тақсимлаб, турли шаҳарларга жойлаштириш таклифини айтди. Бекович-Черковский ўз йнидаги 700 аскардан 200 тасини олиб қолиб қолганларини тарқатиб юборди. Шундан сўнг Шерғозихон буйруғи билан княз Михаил Замонов, астраханлик дворян Кирьеп Экономов, сўнгра Бекович-Черковский ечинтирилиб, бошлари қиличдан ўтказилади. Бекович-Черковский ҳарбий экспедициянинг қолган қисмлари эса йўлларда кириб ташланди, озгина қисми асир олинди. Бу тарихий воқеа 1717 йил 29 августда содир бўлди.¹⁴

Умуман олганда Хива хони Шерғозихоннинг билимдонлиги, кучли сиёсатдонлиги туфайли яхши қуролланган, замонавий армияга эга бўлган ҳарбий экспедиция устидан хонликча ғалабага эришишга олиб келди. Бу вақтдан сўнг Шерғозихон ўз ғалабасини нишонлаш мақсадида Бекович-Черковский калласининг терисини шилиш, ичига сомон тиқиб Бухоро амирига жўнатади. Амир жўнатилган бу тухфадан қаттиқ нафратланади ва тухфани дарҳол ортига қайтариб юбортиради. Шерғозихон ўз ғалабасини намойиш этиш учун рус аскарларидан 6 кишини Бухоро амирига ва 10 кишини қалмоқ хонига “совға” сифатида жўнатади.

Бу воқеа йирик ва қудратли Россия империяси учун катта шармандалик эди. Пётр 1 ўзи жўнатган ҳарбий экспедициянинг бундай шармандаларча мағлубиятга учрашини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Қудратли империянинг кичик бир хонликдан енгилиши жаҳон даврасида Пётр 1 ни ноқулай аҳволга солиб қўяди.

Туркистон ўлкасини Рус давлатининг таркибига киритишга қаттиқ бел боғлаган Пётр 1 Бекович-Черковскийнинг тор-мор этилишидан шу

¹⁴ Ўзбекистон тарихи. Т, 2006, 8-синф дарслиги.

даражада аламга тўлганки, ҳатто ўлим тўшагида ётганида ҳам Хива хонлигидан “қанча-қон” тарзида хун олишни васият қилган.¹⁵ Рус шоири А.С.Пушкин сўзича, “Пётр 1 икки армон билан кетди: бири – Прут соҳилидаги мағлубият учун Туркиядан, иккинчиси – Бековичнинг қатли учун Хивадан ўч оломагани эди”.

Хуллас қисқа қилиб айтганда Хива хонлиги томонидан Бекович-Черковскийнинг тор-мор этилиши Рус давлатининг босқинчилик сиёсатига каттиқ зарба бўлди. Мана шу вақтдан сўнг рус ҳукумати узоқ вақтларгача Туркистон ўлкасига ҳарбий юриш уюштиришни лозим кўрмади. Бироқ унга зимдан ва аста-секин тайёргарлик ишларини амалга ошириб борди.

¹⁵ Туркистон Чор Россия мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-том. 2000, 56-бет.

1.2.Хонликларнинг Чор Россия қўшинлари томонидан бирин-кетин истило қилиниши

А)Қўқон хонлигининг истило қилиниши.

XIX асрнинг иккинчи ярмида барча ўзбек хонликларида бўлгани каби Қўқон хонлигида ҳам тараққиёт тўхтаб қолмаган эди. Хонликда давлат бошқаруви, ирригация ҳамда иқтисодий аҳвол бир мунча яхши ҳолатда эди. Хонликдаги ҳар битта беклик ҳарбий округ саналарда, уларнинг ўз тасарруфида қўшинлари мавжуд бўлиб, қўшин таъминоти бекликлардаги даромад ҳисобидан қопланарди. Қўшинни мингбошилар бошқарганлар. Қўшиннинг қуролланиш салоҳиятига эътибор берадиган бўлсак, у қуйидагича тус олган эди: “Қўшин асосан найза, қилич, пилта милтиқ ва маълум миқдорда тўп билан қуролланган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Россия давлатининг ҳукмрон доираларида Қўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлигига нисбатан истилочилик руҳи устун келиб, Александр ИИ ҳукуматининг ташқи сиёсатида жангари гексослар мавқеи кучайди. Бу вақтда империя ҳарбий вазирлигида ўзбек хонликларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид жосуслик маълумотлари етарлича тўпланган эди.

Россия империяси ўзбек хонликларини эгаллаш учун аввало Оренбург ва Сибирь орасидаги ерларни эгаллаб, у ерда ҳарбий истехкомлар барпо эта бошлайди. Бу ҳудудларда қурилган истехкомлар Қўқон хонлигининг эгалланишида жуда қўл келади.

Чор ҳукумати дастлаб Оқмачит қалъасини эгаллашни олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. 1852 йил 16 апрелда шижоатли лашкарбоши Ёқуббек Оқмасжидга қилинган дастлабки ҳамлани мардонавор қайтаради. Оренбург генерал-губернатори граф Теровский бу мағлубиятдан сўнг жиддий тайёргарлик кўра бошлайди ва 1853 йил 2-4 июль кунлари катта қўшин билан яна Оқмасжидга юриш бошлайди. Теровский қўшини қуйидагича ташкил этилган эди.

1-чизма.¹⁶

Умумий сони -2480та. Шундан 400та бошқирдлар.

Офицерлар сони – 100та. Шундан 500та қозоқ хизматчи.

Қўшиндаги отлар сони – 2600та

Туяларнинг сони – 1350та

Шиддатли жангда рус аскарларидан кўпчилиги йўқотилади. Оқмасжид қамалини бошқараётган генерал-маёр Хрулев қалъани олишнинг уддасидан чиқа олмади. Генерал Петровский 1853 йил 13 июль куни мудофачиларга қозоқ миллатига мансуб киши орқали хат жўнатади. Хатда шундай дейилган эди: “Мен – умумроссия императори фармониға биноан бизнинг еримизда қурилган Оқмасжидни олиш учун келдим. Гарчанд уни эгаллаб турган бўлсангизда, -Оқмасжид олинди, деб ҳисоблайверинг... Мен Оқмасжидга дарвоза орқали кирманг, негаки ўз қалъасига ҳеч ким девор орқали ўтмайди... Мен бу ерга уришиш учун келганим йўқ, аммо қалъани олмасдан кетмайман”.¹⁷ Бунга жавобан ҳимоячилар қуйидагича жавоб қайтаришади: “Бизлар бир сиқим порох ва кўчада бир кесак қолгунча, ҳамма қуролларимиз тамоман синиб битгунча жанг қиламиз”.¹⁸ Айни шу дамда Қўқон хони Худоёрхон ўз акаси Тошкент ҳокими Маллабек билан курашиб, Тошкентга бостириб киради ва Шодмонхўжани Тошкент ҳокими қилиб тайинлайди. Бу вақтда Оқмасжидда аҳвол анча оғирлашган эди. Дармон-дори, озиқ-овқатнинг тугаб бораётганлиги мудофачиларга қийинчилик туғдира бошлади. Оқмасжид қалъаси кўмондони Муҳаммад Алининг ҳалок бўлишига қарамасдан, қалъа деворини бузиб кирган рус армиясига аёвсиз кураш давом эттиради. Ватан ҳимоясига отланган эркак ва аёл бирдай туриб русларга қарши курашади. 1853 йил 28 июлда Оқмасжид жуда катта қийинчилик билан руслар томонидан қўлга киритилади.

¹⁶ Чизма шу даврга оид маълумотларга таяниб тузилди.

¹⁷ Х.Зиёев. туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т, Шарқ, 1998, 99-бет.

¹⁸ Ўша жойда. 100-бет.

Оқмасжид қалъаси мудофасида	ўлганлар	жами	эркаклар	Аёллар	болалар
Ватан химоячиларидан шаҳид бўлганлар	206та	Қалъада 42та (эркак аёл болалар)	280	83	66
Асир олинганлар Жароҳатланганлар		166 52	39 35	73 7	53 10
Руслар 2та замбарак, 66та пилта милтиқ, 1600та замбарак ўқини қўлга киритдилар.	Руслардан 37 киши ҳалок бўлган.	Руслардан 77 киши жароҳатланган.	Руслардан 450та от нобуд бўлган.	Руслар 120та қилични қўлга киритди.	Руслар 120та отни қўлга киритдилар.

1853 йил 24 августда мудофачилар Тошкент ҳокими Шодмонхўжа бошчилигида Оқмасжид ҳимояси учун отланиб, йўлда 230та Бородин бошлиқ кўшинни йўқ қилади. Ҳимоячилар кейинчалик Туркистонга қайтадилар. Кейинчалик Тошкентга қайтган Шодмонхўжа Қўқонга Худоёрхон ҳузурига чақиртирилди. Худоёрхон унинг хизматларини инобатга олиш ўрнига уни жазога тортади, яъни душманни мағлубиятга учратганлигини рўқач қилиб, уни туяга миндиртириб, халқнинг ичида сазо килдиради, ҳукумат ишларидан маҳрум қилади. 1860 йил 26 августда Полковник Симмерман Тўқмоқ истехкомига ҳужум қилиб уни эгаллайди. Полковник Симмерман 1860 йил 29-30 август кунлари Пишток қалъасига ҳужум қилади.

Пишпак қалъаси оғир жанглардан сўнг 1860 йил 5 сентябрда руслар қўл остига ўтади. Қўқон хонлигига қарши асосий юришларнинг иккинчи босқичи 1864 йилдан бошланди. Дастлаб 1864 йилда Михаил Черкяев ўз армияси билан Авлиёотага юриш қилди. Авлиёота ҳимоячилари душман

¹⁹ Чизма шу даврдаги маълумотларга асосан тайёрланди.

билан мардона олишадилар. Бир вақтнинг ўзида Аҳмад Яссавий қабри жойлашган Туркистон ва Авлиёта жангларида руслар ғалабани қўлга киритдилар. Бу мағлубият бутун мусулмон оламини ларзага солди. Қўқон хони Султон Сайидхон ва лашкарбошини Алимқул бор кучларини тўплаб Тошкентнинг Мингўрик мавеида марра эгалладилар. Юрт ҳимоячилари билан рус қўшинларининг Чимкент учун ҳал қилувчи жанги 1864 йил 14 июл тонгида бошланади. 3 кун давом этган уруш ватанпарварларнинг ғалабаси билан тугайди. Мағлубиятга учраган руслар лашкарбоши ўртада сулҳ тузилади. Сулҳ шартига кўра руслар ватанпарварларга 2лак миқдорида Россия тилласида пул ва Туркистон вилоятини қайтариб беришга рози бўлишади.

Генерал Черняев 1864 йил 27 сентябрда Тошкент томон юриш бошлайди. 1864 йил 2 октябрь эрталабдан ҳар икки томон ўртасида тўплардан ўқ узилади. Тошкент девори тўплардан ўққа тугилгандан кейин подполковник Обух 2 рота аскар ва 4 тўпи билан хужумга ўтиб деворнинг бир қисмини тешишга эришади. Шундан кейин рус аскарлари подполковниклар Обух ва Лерх қумондонлигида шу жойдан шаҳарга бостириб кириш учун зовурни кечиб ўтишга ҳаракат қиладилар. Шу вақтда девор устидаги ҳимоячилар ўзларини пастга отиб, икки ўртада қаттиқ жанг бошланиб кетади. Жангда ватанпарварларнинг қўллари баланд келади. Шу вақтнинг ўзида руслар Иноқ жангида ҳам мағлубиятга учраб, 57 нафар аскарлардан айрилдилар, 43 нафарини эса ярадор ҳолда олиб кетдилар. Тошкент ва Иноқдаги босқинчиларнинг мағлубияти ватанпарварларни руҳлантириб, келгуси синовларга маънавий бирдамлик бағишлади.

1865 йилнинг баҳорида генерал Черняев Ниёзбек қалъасини босиб олди. Тошкентга русларнинг иккинчи хужуми бошланди. Черняев юрт хоинларидан бири Абдурахмонбек Шодмон ўғлининг маслаҳати билан Бўзсув тўғонини бузиб, уни Чирчиқ сойига буриб юборди. Юрт хоинларидан Абдурахмонбек Шодмон ўғли Черняевич муҳим маълумотларни, Тошкентнинг энг катта бойларидан бири бўлган Муҳаммад

Соатбой Тошкентдаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий вазият ҳақида муҳим маълумотларни мунтазам равишда етказиб турган. Бундай ватан хоинлари ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, хийла-найрангнинг пири бўлган киши эди.

Тошкент осмонида даҳшатли ҳавф-хатар ҳукм сураётган бир вақтда Султон Сайидхон Россия тажовузига қарши курашда ёрдам сўраб Туркия султониغا, Бухоро амирига ва Қўқонга элчилар жўнатади. Аҳмад Донишнинг берган маълумотларига кўра Бухоро амири Тошкентга ёрдам бериш ўрнига – “Мен бир рус лашкарбошиси билан жанг қилишни орномус деб биламан, ҳохласам тўппа-тўғри Маков ёки Петербургга бориб, Рус давлати билан урушаман”,²⁰ деб катта кетади. Бу ҳам камдек амир Музаффар Қўқон хонлигига қарши ҳарбий юришга тайёргарлик кўради.

Ватан ҳимояси учун бўлаётган даҳшатли жангга амир лашкар Алимқулнинг жароҳатланиши ва шаҳид бўлиши натижасида ҳимоячилар ўртасида парокандалик кучайиб кетади. Лекин шундай бўлса-да, ватанпарварлар душманларга қарши қаттиқ курашдилар. Черняев энди ярашиш сулҳини тузиш ва урушни тўхтатиш йўллари тинимсиз излайди. Чунки унинг ҳарбий кучи шу даражада катта талофатга учраб заифлашган эдики, агар четдан ҳарбий ёрдам келмаганда уларнинг тор-мор қилиниши аниқ ҳам эди. Кўп ўтмай ватанпарварларнинг умидини пучга чиқарадиган воқеа юз беради. Руслар Ўрда ичидаги порох, қурол-аслаҳа сақланадиган маҳфий омборни айрим хоинлар ёрдамида аниқлаб, 50га яқин катта замбарақ ўқи ва бошқа портловчи моддалар воситасида остин-устин қилиб ташлаганлар. Шу тариқа ҳимоячилар қурол-яроғларидан ҳам маҳрум бўладилар. Хуллас четдан ёрдам келмаслиги, қурол-яроғ омборининг портлатилиши, очлик, сувсизлик, бош сардорсизлик ҳамда кўрилган катта талофатлар ва бир гуруҳ кишиларнинг хоинлиги – ҳаммаси бир бўлиб, пировардида душманнинг ғалаба қилишига олиб келди. Аммо кўрсатилган сабабларга қарамай, шаҳар халқи ўз она юртининг мустақиллигини сақлаш

²⁰ Қаранг: Ўзбекистон тарихи. 9-синф дарслиги. Т, 1997. 96-бет.

учун нимаики зарур бўлса, шуни бажонидил бажарди.

Б)Бухоро амирлигининг истило қилиниши

Тошкент босиб олиниб, буткул ўлканинг тақдири хавф остида қолган вақтда ҳам Қўқон ва бухоро хукмдорларининг кўзи очилмади. Айниқса, бухоро амири Музаффар фаолияти бошқаларга қарши олиб борилаётган курашларига катта зиён келтириб, рус аскарларининг ғалабасини анча енгиллаштирди. Амир Музаффар шу даражада калта фахм бўлганки, Россия Қўқон хонлигига қанчалик қаттиқ зарба берса, у шунчалик кўп мамнун бўлган. У душман қўли билан Қўқонни парчалаб минтақада ўз мавқеини ўрнатиш ва яккахокимликни ўйлаган, халос.

Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори қилиб тайинланган генерал Черняев 1866 йил январида Бухоро амирлигини бўйсундириш учун унга қарши эълон қилинган уруш бошлади. Рус қўшинлари Жиззах томон отланганликларини эшитган амир Музаффар ўзи тахтга қайта ўтказилди ва таъсирида деб ҳисоблаган Қўқон хони Худоёрга русларнинг йўлини тўсишни буюрди, лекин Худоёрхон кўрқиб амир Музаффарнинг фармонини бажармайди.

Босқинчилар Бухоро амирлигига қарши уруш ҳаракатларини икки ҳарбий мавсумда 1866-1868 йилларда ўтказди. 1866 йилда олиб борилган истилочилик босқинлари оқибатида амирликнинг Ўротепа, Жиззах ва Янгиқўрғон сингари ҳудудлари Россия таркибига киритилади. Иккинчи ҳарбий мавсумда эса Самарқанднинг олинishi, амир қўшинларининг Зирабулоқда мағлубиятга учрашлари содир бўлади.

1865 йил 21 январда Черняев Чинозда катта ҳарбий куч тўплаб, полковник Пистолкорс бошчилигидаги 14 рота, 600 нафар казак ва 16 тўпдан иборат қўшин билан Жиззах сари йўл олади. Урушда жиззахликларнинг қўли баланд келиб, 11 февралда Черняев Сирдарё томонга чекинишга мажбур бўлади. Жиззахдаги мағлубияти учун Черняев мансабидан четлатилди ва унинг ўрнига генерал Ромоновский Туркистон вилояти ҳарбий губернатори ва қўмондони этиб тайинланади. 1866 йил 8

майда Рамоновский Эржорда кўриниши билан Оллаёрбек ва унинг кариндошлари Тўхтамишбек, Фозил додхоҳ бошчилигидаги 30 минг қўшин жанг қилмай Хавос томон чекинади. Оллоёрбек бу иши билан бегуноҳ кизининг ўлимига сабаб бўлган амирдан ўч олдим деб ўйлайди. Шахсий хусуматнинг юрт манфаатидан устун келиши натижасида Ромоновский осонликча ғалаба қозонди ва 17 майда ўз қўшини билан Хўжанд остонасида пайдо бўлади. 8 кун давом этган жангда ватанпарварлардан 5 минг киши шаҳид бўлади. Душман катта талофат эвазига Хўжандни эгаллади. Истилочилар ўз ёвуз нигоҳларини энди Ўратепага қаратиб, 2-октябрда Ўратепа остонасига яқинлашди. Уруш гувоҳларининг сўзларига қараганда, юрт ҳимояси зиммаси учун бўлган жангда 30 мингдан ошиқ аёл, эркак, ёшу-қари иштирок этган ва ярми қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Ўратепадаги жанглар Аваз Муҳаммад Аттор асарида батафсил баён этилган Ўратепа жангига бошчилик қилган Крижановский билан Романовский шаҳарнинг босиб олинганлигини зўр мамнуният билан Петербургга телеграф орқали маълум қиладилар. Рус салдатлари Ўратепадан кейин Зомин қалъасини ҳам қўлга киритдилар. Қон тўкиш ва вайронгарчилик навбати яна Жиззах шаҳрига келди. Жиззахда 10000 кишилик қўшин йиғилиб, қўшиннинг 53 тўпи бор эди. Аввалги мағлубият аламини унутмаган босқинчилар 11-октябрда Жиззахни қуршов остига олдилар. Биринчи хужумни муваффақиятли қайтаришади. Жиззахдаги жангларда Искандарбек бошчилигидаги афғон ҳарбийлари тўп отишда моҳирликлари билан ўзларини кўрсатишади. Руслар даставвал шаҳарга борадиган сув йўлларини беркитиб, Самарқанд ва Ўратепа дарвозаларидан хужум қилишга киришдилар. 17-октябрь куни эрталаб солдатлар Ўратепа ва Самарқанд дарвозалари ёнида деворни тешишга муваффақ бўлдилар ва қўшимча ёрдамга келган ҳарбий қисмлар қатнашувида шаҳар қалҳасига хужум бошлайдилар. Бу жангда капитан Михайловский, полковник Варансов-Дашков, Григорьев ва Писколкарс раҳбарлигидаги слдатлар фаол қатнашганлар.

Шу равишда Жиззах учун шиддатли жанг авжига чиқади. Даҳшатли жангларданг сўнг 18-октябрь куни Жиззах руслар томонидан эгалланди. Генерал Рамановскийнинг эътироф қилишига кўра, Жиззах мудофачиларидан 6 минг киши ўлдирилган, 2 минг киши асир олинган.

Айрим маълумотларга қараганда, амир Музаффар Жиззахга қўшимча ёрдам беришни ваъда қилган бўлса-да, лекин Бухорода хотиржам ўтираверган. У Жиззах босиб олинганидан кейин 3 кун ўтгач, Бухородан Самарқандга келиб, “табиатида ғайрату ҳамият йўқлиги учун Самарқандда ҳам бемаза ва беъмани амаллар билан шуғулланиб юрадӣ”.²¹

Россия ҳукумати янгидан босиб олинган ерларни бошқарш ва бу ҳаракатни яна давом эттиришни мувофиқлаштириши учун 1867 йилнинг 11 июлида Туркистон генерал-губернаторлигини таъсис этди ва унинг раҳбарлигига подшо Александр-III билан яқин алоқада бўлган генерал К.П.Фон Кауфмонни тайинлади. Туркистон халқи истехзо билан “ярим подшо” деб атаган К.П.Фон Кауфман мустақил равишда уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва бошқа кўплаб ваколатларга эга бўлади.

Туркистон генерал-губернаторлигига Сирдарё вилояти (маркази Тошкент) ва Еттисув вилояти (маркази Верний) киритилди. Сирдарё вилояти Тошкент, Авлиёота, Чимкент, Хўжанд, Жиззах ва Перовский уездларини, Еттисув вилояти эса Сергипол, Копал, Верний, Иссиққўл, Тўқмоқ уездларини ўз ичига олган эди. Оғир аҳволда қолган Бухоро амири Хива ва Қўқон хонларидан, Туркия султони Абдулазиздан ва ҳатто Англиянинг Ҳиндистондаги ноиби Лорд Лауренсдан ҳам Россияга қарши курашда ёрдам сўрайди. Аммо бу сўровлар тугалланади. Инқирозга юз тутаётган Бухоро амирлигининг аҳволини яхши англаган Фон Кауфман кулай фурсатни бой бермасдан Бухорога қарши ҳарбий юришни бошлаб юборди.

Рус қўшинлари Янгикўрғонни эгаллагач, зарбани энди Самарқандга қаратадилар. Бу вақтда Самарқандда Шерали иноқ ҳоким бўлиб, унинг

²¹ Тарихий жаҳонномаи. 133-бет.

зулмидан бутун шаҳар аҳли эзилганди. Шунинг учун ҳам улар амир Музаффарга куйидаги мазмунда арзнома йўллайдилар: “Бизларни Шерали Иноқ зулмидан қутқариб янги ҳоким қўйсангиз, шунда барчамиз – эркагу-аёл, ёшу-қари кофирларга қарши курашгаймиз”.²²

Таассуфки амир Музаффар халқнинг илтимосини бажариш ўрнига, аксинча иноққа қаттиқ ишонч боғлайди. Шерали Иноқ эса амирга арзнома йўллаганларни аёвсиз жазолайди. Натижада шаҳар оқсоқоллари аччиқ устида рус зобитларига мактуб йўллаб, уларни ўз паноҳига олишни сўрайдилар. Бу эса Коуфмонга жуда қўл келади.

1868 йил 1-май куни Бухоро қўшинлари билан рус аскарлари ўртасида Чўпонота тепалигида Самарқанд учун ҳал қилувчи жанг бўлади. Бу жанг ҳам кофирлар ғалабаси билан якунланади. Жангда Бухоро қўшинида 16500 киши иштирок этиб, шундан 12000 пиёда, 3000 отлик ва 1500 тўпчи бўлган.

К.П.Кауфман 1868 йил 3 майда шаҳарнинг катталари, дин пешволари ҳамда нуфузли кишилар иштирокида қабул маросими ўтказди. Бунда бир тўда сотқинлар шаҳарни Оқ подшо паноҳига олганлиги ва рус қўшинининг “саҳийлиги” учун фон Кауфманга миннатдорчилик билдиришиб, халқни оқ подшога содиқ бўлишга даъват этишларини ваъда қиладилар.

Амир Музаффар Самарқанд воҳасидан даҳшатга тушиб, бор кучини жамлаб шаҳарни қайтариб олишга киришади. Тез орада 15000 отлик, 6000 пиёда ва 14 тўпга эга бўлган Бухоро қўшини Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашади. Уруш тақдирини Зирабулоқ жанги ҳал қилади. Бу урушда ҳам руслар хиёнат туфайли ғалаба қозонадилар. Тарихчи Мирзо Салимбекнинг ёзишича, миллат рус бўлиб, кейин амирликда ислом динини қабул қилган ва амир қўшинида олий мартабага эришган Усмон тўқсобо ҳал қилувчи дақиқада амирга хиёнат қилади: “Туркиллик саркарда хожи Тўққир сул тарафдин ўрисларга хужум қилиб, уларни танг ахволга солиб қўйди. Улар

²² Юқоридаги китоб. 137-бет.

енгилай деганда Усмон тўқсобо чекиниш карнайини чалиб, ўз лашкарини орқага қайтарди.”²³ Шундай қилиб 21 минглик амир қўшинлари 2 минглик рус аскарларига енгиладилар.

1868 йил 29 майда Каттакўрғон атрофида 30000 кишидан иборат қўшин ва оламон рус аскарларига қарши жангга ташланадилар. Каттакўрғондаги жанглар босқинчиларга қарши курашнинг энг дахшатлиларидан бири сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Каттакўрғонга Кауфманнинг шахсан ўзи бориши бежиз бўлмаган.

Зирабулоқдаги мағлубият ва амирнинг Қизилқум тарафга қараб қочгани ҳақидаги хабар Самарқандда кучли акс-садо берди. Шаҳар ватанпарварлари энди биргина ўз кучларига ишониб, ислом ва озолик йўлида жонбозлик кўрсатдилар. Абдумалик тўра бошчилигида Қарши ва Бухорода русларга қарши ҳужумга қизғин тайёргарлик кўриляётган эди. Улар Ҳисор, Шеробод қўнғиротларига, Қарши атрофида истиқомат қилиб турган аҳоли ҳамда Эрсари туркманларига хат йўллаб, Абдумалик тўрага содиқ бўлишга даъват этдилар, қасамёд қилиб, русларга қарши жангга чақирдилар. Тез орада Абдумалик тўронга тарафдор бўлган кишилар Ғузорга йиғила бошлайдилар. Шаҳрисабз ҳокими Ҳакимбек ва Китоб ҳокими Жўрабеклар ҳам Абдумалик тўроннинг сафига келиб қўшиладилар. Ниҳоят юрт ҳимоячилари Ғузордан чиқиб, Шаҳрисабз орқали Самарқандга йўл оладилар. Икки ўртадаги жанг 1868 йил 2 июнда Зарбулоқда бўлади. Руслар жангда яхши қуролланганликларига қарамай уларга яна қўшимча кучлар келиб қўшилади. Полковник Абрамов гуруҳининг шошилинич ҳарбий майдонига киритилиши уруш тақдирини ўзгартириб юборди. Бухороликлар Кармана тарафга қочишга уринадилар. Қочаётган жангчилар орқасидан отилган ракета мосламалари уларни ер тишлатади. Зарбулоқ жангида Бухоро қўшинининг деярли ҳаммаси қириб ташланади. Зарбулоқ жанги давом этаётган кунларда Самарқанддаги руслар гарнизонига ҳужум қилган Абдумалик тўра, Жўрабек, Бобобек ва бошқа ўзбек, тожик, туркман,

²³ Ўзбекистон халқлари тарихи. Т, Фан, 1993, 96-бет.

корақолпоқ, козоқ қавмлари бошқаларининг 8-июнга қадар уруш зарокатларини давом эттирганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Карманада турган амир Музаффар икки ўт орасида қолади. Бир томондан русларнинг қўли баланд келиб, тобора унинг қароргоҳига яқинлашиб келаётган бўлса, бошқа тарафдан Абдумалик тўранинг эътибори ошиб, Самарқанд бўсағасида русларга таҳдид солаётган, мабодо зафар кучгудек бўлса, Бухоро тахти унинг қўлига ўтиши мукаррар эди. Амир Музаффар Шукурбий инокнинг маслаҳатига кўра Кауфмонга элчи билан мактуб йўллаб, дўстлик ва сулҳни таклиф этади. Кауфмоннинг ҳам ярашишдан ўзга чораси йўқ эди. Шу сабабдан ҳам икки ўртадаги сулҳ тузилади. Руслар билан сулҳга эришиб, ўзини бир қадар тутиб олган амир Музаффар бор кучини ўғли Абдумалик тўрани маҳв этишга қаратади.

Руслар асоратига тушишдан кўра, тожу-тахтдан ажралиб қолишдан кўрққан амир Музаффар хийла-найранг билан Абдумалик тўра тарафдорларини тарқатиб юборишга муваффақ бўлади. Лекин кўп ўтмай Жўрабек, Бобобек каби ҳокимлар амир фитнаси моҳиятини англаб, яна Абдумалик тўрани қўллаб-қувватлай бошлайдилар. 1868 йил 28 июнда амир Музаффар ўз қўшинини Абрамов бошчилигидаги рус аскарларига қўшади ва руслар билан биргаликда Қарши шаҳрини истило этишга муваффақ бўлади. Руслар Қаршини яна амир Музаффар тасарруфига борадилар. Абдумалик тўра ёнида қолган 400 киши билан Тошкўрғонга чиқиб кетади.

“Русларни урушда енгмас, оқ отда Петербургга оқ отда кириб бораман!”, деб мақтанган амир Музаффар 1868 йил 23 июнда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфмон билан сулҳ тузиб, Россиянинг вассалига айланади.²⁴ Бу сулҳга кўра Бухоро амирлиги ўз мустақиллигини йўқотибгина қолмай, Самарқанд, Каттакўрғон а Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги ерлардан ҳам ажралади. Амир товон сифатида 500 минг сўм миқдорида олтин ҳисобида товон тўлашга, хорижий давлатлар билан

²⁴ Уша жойда. 99-бет.

мустақил алоқа ўрнатмаслик мажбуриятини олишга ва рус савдогарларига амирлик ҳудудида эркин савдо қилишларига, карвонсаройлар ва дўконлар қуришга рози бўлади. Амирнинг таслимчилик сиёсати халқнинг норозилигига сабаб бўлади ва эрксевар беклар амирзода Абдумалик тўрани амир қилиб эълон қиладилар.

Ватанпарвар кучлар Шаҳрисабз, Қарши, Кармана ва Чирчиқни эгаллайдилар. Кауфман воқеалар ривожини ташвиш билан кузатар, лекин сулҳга кўра, у Бухоронинг ички ишларига аралаша олмасди. Шунинг учун кулай фурсат ва баҳона изларди. 1868 йилнинг кузида амир Музаффар Кауфмандан ёрдам сўрайди. Бу Кауфман учун айти муддао эди. Амирга ёрдам бериш Зарафшон округи бошлиғи генерал Абрамовга топширилади. Абрамов катта қўшин билан ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборади. У ватанпарварлар эгаллаган ҳудудларни бирин кетин эгаллай бошлайди. Натижада Абдумалик тўра ва Султон Содиқ Хива хонлиги томон қочишга мажбур бўлади. Абдумалик тўра Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ИИ дан ёрдам сўрайди, лекин Хива хони унга ҳарбий ёрдам кўрсатишга ожиз эди. Шунинг учун Абдумалик тўра Хивада кўп туролмай Афғонистонга боради. Афғон амири Шералихондан ҳам ёрдам ололмаган амирзода сўнгги умид билан Қўқонга Худоёрхон олдига боради. Бу ерда ҳам мақсадига эришолмаган Абдумалик тўра Қошғарга Қўқон хонининг собиқ лашкарбошини Оқмачит, Чимкент ва Тошкент мудофаларида ўзини кўрсатган саркарда Ёқуббек ҳузурига боради. У Ёқуббекнинг ёрдами билан Туркия ҳукумати билан алоқа боғлайди. Қашғарга келган Англияэлчилари билан урушади. Амирзода буюу Британия империясидан ёрдам олиб, Бухорони озод қилиш учун узоқ йиллар давомида ҳаракат қилди. У 1885 йилда отасининг бетоблигини эшитиб, Бухоро тахтини эгаллашга уриниб кўради. Абдумалик тўрага Афғонистон амири Абдурахмонхон ва Англия ёрдам беришга ваъда қилишган бўлса ҳам, турли сабабларга кўра унинг ниятлари амалга ошмади. Абдумалик 1909 йилда Пешоворда армон билан вафот этади.

Китоб ҳокими Жўрабек ва Шаҳрисабз ҳокими Бобобеклар ватанпарварлик курашини давом эттириб, амир Музаффар ва рус босқинчиларига бир қанча вақт таҳдид солишади. Шундан сўнг 1870 йилда амир Музаффар Жўрабек ва Бобобекка қарши курашда ёрдам беришни сўраб фон Кауфманга мурожат қилади. Амир Музаффарнинг мурожатиغا жавобан 1870 йилнинг эрта баҳорида генерал Абрамов бошчилигида кўшин ёрдамга келади. Бўлиб ўтган оғир жанглардан сўнг 15 августда Китоб истилочилар томонидан забт этилди. Китобнинг эгалланиши Шаҳрисабзнинг ҳам забт этилишига замин яратади. Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг Бухоро амири ихтиёрига берилиши, Қаршининг бўйсундирилиши ва унинг ҳам амирга топширилиши бобидаги ички-ташқи сабаблар таъсири катта эди, дейиш мумкин. Абдумалик тўрани ҳамон кўллаб-қувватлаб турган инглизлардан ҳадиксираш, Туркистонда ҳарбий кучларнинг озлиги рус истилочиларини шундай ўз босқинчилик ниятларига ҳилоф йўл тутишга мажбур қилган омиллар бўлган. Бунда Д.Н.Логофет афсус-надомат билан таъкидлаган – тарихни унутиш, яъни Шаҳрисабз бекларининг бухоро итоатидан бўйин товлаш, мустақил бўлиб келганлигини ҳисобга олмаслик ҳам унинг амирга топширилишида асосий сабаблардан бири бўлмай қолмаган. Арқонни узун ташлайдиган босқинчилар сопи ўзидан чиқаришида устаси фаранг эди: Бухородан норози Шаҳрисабз ва Китоб тез орада ўз ташаббуси билан Россия таркибига киришга истак билдиради ёхуд амирлик ичида ихтилов вужудга келиб, бутун хонликни бир ҳамлада босиб олиш имконияти туғилади, деб шундай қарорга келинган.

Кауфман 1873 йил 23-сентябрда Бухоро амирлиги билан янги шартнома тузиб, унинг Россияга қарамлигини янада ошириш ва Россия доираларининг манфаатларини кўпроқ таъминлашга эришди. Бу шартнома рус ҳукуматининг амирликда мустамлакачилик сиёсатини тобора кучайтириб бориш учун катта имкониятлар яратди. Бир вақтлар Ўрта Осиёда салмоқли ўринни эгаллаган амирлик бамисоли оёқ-қўли

кишанланган одамга ўхшаб, ҳар жиҳатдан сиқилиб ва буғилиб қолди.

В)Хива хонлигининг истило қилиниши.

Россия ҳукмрон доиралари Туркистон генерал губернаторининг ўзининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий режаларини амалга ошириш учун таянч марказига айлантирилиб, бу сафар истило тигини Хива хонлигини тўла бўйсундиришга қаратдилар. Улар подшо Пётр Ининг васиятини, 1717 йилни Бекович-Черкасский кўшинининг ҳалокатини ҳамда 1839 йилги Перовский кўшинининг барбод бўлганлигини сира унутмаган эдилар.

Хива хонлиги мустақиллиги билан мустамлакачиларга жиддий хавф солиб турарди. Бундан ташқари Хива хонлигининг Россия тасарруфидаги козоқларни озодлик курашига рағбатлантириб туриши, козоқларнинг миллий озодлик курашига раҳбарлик қилган Кенссори Қосимовга доимий мадад бериб туриши Россияни безовта қилиб келаётган эди. Масаланинг сиёсий томонидан ташқари, Санкт-Петербург бутун Туркистон ўлкасида тижорат ишларини ҳам батамом ўз қўлига олишни мақсад қилиб қўйган эди. Каспий денгизнинг шарқий соҳилларидан Туркистон шаҳарларига олиб борувчи барча савдо йўллари эса Хива хонлиги ҳудудидан ўтар эди.

1872 йили ҳарбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Казаковга подшо ноиблари иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга қарор қилинади. Генераллар режасига кўра, Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли кучлар шарқдан, Оренбург губернатори ва Кавказ ноиблиги ихтиёридаги ҳарбий кучлар эса ғарбдан ва шимоли – ғарбдан Хива устига юришлари керак эди.²⁵

1872 йилда Сайид муҳаммад Раҳимхон ИИ Ҳиндистон вице-қироли ҳузурига элчи жўнатиб, Англиядан мадад сўрайди. Англия ҳукмрон доиралари Ҳиндистонга русларнинг таҳдид солишидан ҳамда Англиянинг Афғонистондаги мавқеига Россиянинг жиддий хатар етказишини ҳисобга олиб, Хивага ёрдам кўрсатмаслик йўлини тутадилар.

²⁵ Ҳ.Зиёев. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси. Т, 2000, 13-бет.

Хива энди ўз кучи ва имкониятига қараб иш кўриши лозим эди. Хонлик қўшинида ҳаммаси бўлиб 27 эски замбарак, 2 минг отлик аскар, 4 минг навкардан иборат қўшин бўлиб, улар ҳам асосан пойтахтдан жамланган эди. Россия қўшини эса ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан, шунингдек ҳарбий техника имконияти, кирол-яроғлар ҳам Хива хонлиги қўшинидан устун эди.

Рус босқинчилари уч йўналиш бўйича Хива хонлиги устига бостириб киради. Рус аскарлари генерал-лейтенант фон Кауфман ва генерал-маёр Головачёв қўмондонлиги остида Тошкент тарафдан, иккинчи йўналишдагилар генерал Верёвкен ва учинчи йўналишдаги руслар полковник Ломакин қўмондонлигида Каспий денгизи тарафдан Хива томон кириб келди. Хивага қарши юришда император оиласининг аъзолари ҳам бевосита қатнашадилар. Масалан Жиззах ҳарбий қисмида княз Ромонов, Қозоли ҳарбий қисмида эса княз Николай Константинович, бошқа ҳарбий қисмда эса Герсог Лейтенбергский каби олий зотлар қўмондонлик қилгангалар.

Хива хонлигига ташланган рус қўшинининг умумий сони қуйидагича бўлган:

3-чизма.²⁶

	Роталар	Юз кишилиқ қўшин	Тўплар	Одамлар	Туялар	Отлар	Ракета станок- лари
1.Туркистон генерал губернаторлигидан; Жиззах қўшини:	12	5	14	3400	7000	1300	4
Қозоли қўшини:	9	1	8	1900	3200	350	4
2.Оренбург қўшини	9	9	12	3500	5700	1800	6
3.Кавказ губернаторлигидан:							
Манғилоқ қўшини:	12	6	6	2100	1500	650	3
Красноводск қўш:	12	4	16	2200	2600	500	3
ЖАМИ:	54	25	56	13100	20000	4600	20

²⁶ Маълумотлар жамланди.

Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман юриш олдида Хивани сиёсий тарафдан ҳам яккалаб қўйиш чораларини кўради. У Бухоро амири ва Қўқон хонига таҳдидли мактублар йўллаб, уларни Хивага ёрдам бермасликка чақиради. Хива хони масалани тенг йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилади, лекин унинг барча уринишлари самарасиз бўлади. Шундай сўнг у ҳарбий кенгаш чақириб, мудофа режаларини тузади ва русларга қарши ўзининг лашкарбошилари сафарбар қилади. Монтмурод девонбеги, Маҳмуд Ясовулбоши, Ёқуббек қолмоқ, Элтузар иноқ ва Бобо меҳтор раҳбарлигидаги ўзбек ва туркман йигитлари рус қўшинлари ҳужумини қайтариш учун икки гуруҳга бўлиниб йўлга киришадилар.

Генерал Верёвкин қумондонлигидаги Оренбург отряди Қўнғиротга яқинлашганида шаҳар ҳокими руслар ҳузурига элчи жўнатиб, масалани тинч йўл билан ҳал қилишини сўрайдилар. Лекин Верёвкин бунга истамай шаҳарга ҳужум бошлаш ҳақида буйруқ беради. Оғир жанглардан сўнг шаҳар эгалланди. Қўнғирот жангида Сайидбий, Тожимуродбий ва бошқа бийлар мардонавор жанг қилдилар.

1873 йил 29 май куни русларнинг асосий кучлари Хива остоналарида пайдо бўлдилар. Хива хони ортиқча қон тўкилишини истамай яна фон Кауфман ҳузурига ўз элчисини жўнатади. Аммо урушқоқ генерал хоннинг таклифини жавобсиз қолдириб, ҳужумга киришади.

Урганч дарвозаси Муҳаммад Ризо тўра, Пошоёқ дарвозасига Абдуқодир тўра, Боғишамол дарвозасига Раҳимбердибек Оллоҳберди тўра Мағфур Шайх дарвозасига Оллоҳберганбек ибн Худойберганбек тўра ўғли тайин этилади. Шаҳар ташқарисида эса русларга қарши жанг майдонига чиққан Худоёр қушбеги, Раҳматулла ясовулбоши, Абдулла маҳрам, Маҳмуд ясовулбошиларнинг навкарлари фидокорона жанг қилдилар. Хива шаҳри ва унинг атрофидаги жангларда қилич, пилта милтиқ билан қуролланган мудофачиларга қарши руслар 692 гроната, 133 рокета ва 78605 ўқ отишган. Ҳарбий ҳисоботга кўра Туркистон отряди 62 гроната, 5245 дона ўқ, 28 рокета; Оренбург отряди 537 гроната, 38060 дона ўқ, 52 рокета;

Манҳишлоқ отряди эса 92 гроната, 35300 дона ўқ ва 58 рокета отган.²⁷ Муҳаммад Раҳимхон ИИ нинг сулҳ ҳақидаги навбатдаги таклифи рад этилгач, у қўшимча куч тўплаш учун шаҳардан чиқиб, туркман ёвмут аҳолининг ўтовлари сари йўл олади. Афсуски шундай қалтис бир пайтда, хоннинг оиласи ва яқин қариндошлари душманга қарши якдил бўлишнинг ўрнига, сулолавий низоларга берилиб кетадилар. Бир гуруҳ юқори табақа вакиллари душманга қарши курашиш ўрнига хоннинг акаси Амир Тўрани ҳокимият тепасига ўтказадилар. Амир Тўра иниси Отажон Тўра билан бирга Кауфман хузурига боради ва сулҳ тузишни таклиф қиладилар.

Кауфман биз фақат Муҳаммад Раҳимхон ИИ билан сулҳ тузамиз, борди-ю қайтмаса, у вақтда сизлар билан келишамиз, деб жавоб беради. Бундан саросимага тушган ака-укалар Хивага қайтадилар.

Хуллас тўхтовсиз жанглардан сўнг 1873 йил 29 майда Россия императори Пётр II нинг маъшум васияти амалга оширилиб, Хива ишғол этилади. Кауфман Хиванинг бўйсундирилганлигини тантанали равишда нишонлашни соат 2-00да ташкил этишни буюрган. Мана шу вақтда хон саройининг майдонида қўшинларнинг барча турлари саф тортиб, бирин-кетин Кауфман қаршисидан ўтганлар. Шу тариқа Хива хонлиги ҳам тор-мор этилиб, ўз мустақиллигини йўқотди. Хон саройида олий ҳукмдорларнинг тахти, бебаҳо олтин-кумуш буюмлар, турли-туман қимматбаҳо матолар ва нодир қўлёзма асарлар Петербургга, подшо саройига ўлжа сифатида олиб кетилди.

Кауфман Амир Тўра ва Отажон тўра сингари тахт даъвогарларини эмас, балки Муҳаммад Раҳимхон ўз ўрнида қолдиришни лозим топиб, хат орқали Хивага келишини сўраган. Хон бу таклифни қабул қилиб, 2-июнда Хивага қайтади ва Гандушканда истиқомат қилаётган Кауфман билан учрашади. Икки ўртада бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг ўз вақтида мамлакат тақдирини ўйламай иш юритган сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ўта заиф бўлган хон ғайридинлар олдида шоирмандларча тиз чўкиб, ўз саройига

²⁷ Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т, 1998, 229 бет.

қайтади.

1873 йил 12-августда хоннинг Гандушкан боғида Кауфман сулҳ шартларини Муҳаммад Раҳимхон ИИ диққатига ҳавола қилди:

1.Хон Умумроссия императорининг итоатли хизматкорлигини тан олиб, Ўрта Осиёдаги олий рус маъмуриятининг рухсатисиз шартномалар тузмайди

2.Хонлик ва рус ерларининг орасидаги чегара Амударё ҳисобланиб, унинг ўнг томонидаги қирғоқлари Россияга ўтади.

3.Рус кемаларининг Амударё бўйлаб сузишлари учун барча имкониятлар яратилди.

4.Руслар Амударёнинг чап қирғоғидаги қулай деб топилган жойларда кемалар тўхтайдиган бандаларни қуришга ҳақлидирлар.

5.Руслар дарёнинг чап қирғоғида савдо омборлари қуришга рухсат берилиб, улар муҳофазаси хонлик зиммасига юклатилади. Хонликнинг барча шаҳарлари русларнинг савдо қилишига очиқ бўлиши керак.

6.Рус савдогарлари барча божлардан озод этилади. Бундан ташқари, улар ҳамма шаҳарларда савдонинг боришини кузатиб туриш мақсадида ўзларининг ишончли вакиларини тайинлаш ҳуқуқига эгадирлар.

7.Россия фуқароларига хонликда кўчмас мулк сотиб олишга рухсат берилади.

8.Хонлик ҳукумати Россиядан ўзбошимчалик билн келувчиларни қабул қилмасликни ва рус жиноятчиларини топширишни ўз зиммасига олади.

9.Хонлик зиммасига 2000000 сўмлик товонни 20 йил давомида тўлаш мажбурияти юкланади. Ундан ҳар йили 5 фоизини тўлаб туриши белгиланади. Биринчи тўлов 1873 йил 1-декабрдан бошланади. Шу асосда биринчи икки йилликда 100000 сўмдан, кейинги икки йилликда 125000 сўмдан товон ҳалқдан солиқ олиш ҳисобига Россия хазинасига юборилади.²⁸

²⁸ Ҳ.Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т, Шарқ, 1998, 231 бет.

Сулҳ шартлари Хива хонлигининг мустақиллигини барбод этиш билан бирга бусиз ҳам ниҳоятда оғир шароитга тушиб қолган халқнинг ҳаётини янада ёмонлаштирди.

1.3.Ўрта Осиёда мустамлака ҳукмронлигининг жорий этилиши

Ўзбек хонликлари истилосидан сўнг Россия Пётр II васиятини бажариб, жаҳоннинг энг йирик императорларидан бирига айланди. Европанинг илғор жамоатчилиги XIX аср охирида Россияни “беадад миқдордаги мулк ўғриси” деб таърифлаб, “Ҳисоб-китоб вақти келганда, у бу мулкларни ўз эгаларига қайтаришга мажбур бўлади”, деб башорат қилган эди.

Рус ҳукмронлиги ўрнатилгач, Туркистонда миллий давлатлар йўқ қилиниб, ўлканинг сиёсий тизими Россия манфаатлари нуқтаи назаридан шакллантирилди. Олий ва ўрта бошқарув мавзулари рус ҳарбийлари қўлига топширилиб, тубжой халқлар вакиллари фақат ижрочи сифатида қуйи лавозимларга тайинландилар. Гарчанд бу борада сайлов ўтказилган бўлса-да, лекин фақат Рус ҳукуматига содиқ бўлган кишиларгина амалларга масалан, волост раҳбарлиги ва қишлоқ оқсоқли каби амалларга ўтказилган. Бундай ҳол Туркистон губернаторлигига қарашли ерларда ҳукм сурган эди. Туркистон губернаторлиги Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Ёттисув ва Каспиёрти вилоятларини ўз ичига олган бўлиб, унинг пойтахти Тошкент шаҳри ҳисобланган.

Туркистон маъмурияти империянинг бошқа ўлкалари бошқарувидан ўзининг кескин ҳарбийлашгани билан алоҳида ажралиб туради. Россия ҳукуматининг Туркистон учун 1865-1916 йиллар давомида ишлаб чиққан ва амалга татбиқ этилган ўн та қонун лойиҳасига ва унинг моддаларига адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгартиришларда ана шу ҳолат ўз аксини топгандир. Шу билан бирга Туркистон ўлкаси сиёсий тизимида Санкт-Петербург олий ҳарбий-сиёсий доираларининг инқилобланган ва жаҳон афкор оммасини чалғитишга қаратилган найралнгалр ҳам рўй-рост гавдаланган.

Туркистонда империячилик бошқарувининг мустамлакачилик тамойили расман Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори фон Кауфманнинг 1868 йил 22 январда Тошкент шаҳри аҳолиси билан бўлган

учрашувида сўзлаган дастурий нутқида ўзининг яққол ифодасини топган эди. Кауфман мазкур нутқида русларни Ўрта Осиё халқларининг катта оғаси деб атаб, Туркистонда рус хокимиятининг қатъий ва доимий ўрнашганлигини алоҳида уқтирган эди.²⁹

Подшо Александр ИИ томонидан фон Кауфмон Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори этиб тайинланганидан сўнг, у ўз ҳукмронлиги даврида ўлкани қонун асосида эмас, балки ўз кўрсатмалари асосида бошқарди.

1865 йилда Тошкент шаҳри руслар томонидан босиб олингандан кейин, мустамлакадан босиб олинганидан кейин, мустамлака шароитидан келиб чиққан ҳолда, Сирдарё худудида ҳамда 1864-1865 йилларда босиб олинган ерлар ҳисобига Оренбург генерал-губернаторига бўйсундирилган Туркистон вилояти ташкил этилди. Бу вилоятни бошқариш учун 1865 йил августда эълон қилинган “Муваққат низом” нинг асосий мақсади, русларнинг янги босиб олинган ерларда, бошқарувнинг умумий асосларини белгилаш орқали, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат эди. Жойларда бутун хокимият ҳарбий бошлиқнинг қўлида бўлган, маъмурий органларга эса маҳаллий халқ устидан назоратни ўрнатиш вазифаси юклатилган.

1865 йилда император Александр ИИ нинг азви-қарорига кўра Оренбург ва Ғарбий Сибирь генерал-губернаторлиги ҳамда Туркистон вилояти аҳолининг турмуши ва умумий аҳқолини ўрганиш учун “Дашт комиссияси” тузилади. Дашт ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган “Еттисув ва Сирдарё” вилоятларини бошқариши ҳақидаги қоидалар лойиҳаси” бўйича Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда қуйидагилар қайд этилди:

1. Лойиҳада кўрсатилган ҳудудларда Еттисув ва Сирдарё вилоятлари таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилсин.

2. Генерал-губернаторга ўлкани бошқариш учун лойиҳада назарда

²⁹ Ўзбекистон тарихи. Т, 1994, 8-синф дарслиги.

тутилган шартлардан келиб чиққан ҳолда бошқариш учун амалдорлар олишга имконият берилсин.

3.Генерал-губернаторга лойихада кўрсатилган ерларда ўлкадаги маҳаллий шароит, тузем халқларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, сўнгги марта қонуний тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун унинг қисмлари бўйича ва яхлит ҳолда ўзининг хулосасини бериш топширилсин. Унгача лойихада кўрсатилган ҳолатларни асос сифатида қабул қилиб, ўлка тузилиши учун фавқулодда муҳим ва фойдали деб ҳисобланган ҳамма чораларни кўриш топширилсин.³⁰

1873 йил Туркистон ўлкасидаги вилоятларнинг барча бошлиқлари иштирокида лойихадаги қоидалар қайта кўриб чиқилгандан кейин қонун лойиҳаси ҳарбий вазирликка юборилади. 1878 йил ўрталарида ҳарбий вазирлик Туркистон генерал-губернаторига вазирликларнинг таклиф ва мулоҳазаларини, шунингдек Фарғона вилояти ва Амударё бўлимини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани тўлдириш ва қайта ишлашни таклиф этди.

Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланган генерал-лейтинант М.Г.Черняев таклифи билан 1882 йил 8 майда императорнинг “Туркистон генерал-губернаторлигини тафтиш қилиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Тафтиш ишларини олиб боришга раҳбар этиб Ички ишлар вазирлиги кенгаши аъзоси Дашт комиссиясининг собиқ раиси, махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирс тайинланади. У 1883 йилда тафтиш ашлирини яқунлаб, императорга генерал-губернаторлик ва унга қарашли ташкилотларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, “Ўлкани бошқариш тўғрисидаги Низом лойиҳаси”ни тушунтириш хати билан бирга тақдим этади. 1864 йил 21-январда император Александр ИИИ нинг кўрсатмалари билан Давлат Кенгаши аъзоси, генерал-адъютант, граф Н.Игнатов раислигида “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомнинг қайта ишланган сўнгги лойиҳасини ишлаб чиқиш” бўйича комиссия ташкил этилди. Бу комиссиянинг асосий вазифаси “Ўлкани Россияга қатъий қарам

³⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том. Т, 2000, 106-бет.

килиб қўйиш мақсадлари ва уни бошқаришда харажатларни камайтириш, даромадларни эса оширишга, шу билан бирга фуқароларни бошқариш талабларига ва жойларнинг шарт-шароитларига тўғри келадиган Низом” тузумини амалга оширишдан иборат эди.

Граф Игнатъев комиссия томонидан ишлаб чиқилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом лойиҳаси”³¹ ўлкани бошқариш бўйича тузилган олтинчи лойиҳа эди. Бу низом 1886 йил 12-июнда император томонидан тасдиқлангандан кейин ҳам маъмурий қурилиш бўйича эътирозлар давом этди. Аммо император Туркистон ўлкасида собиқ генерал-губернаторлик бошқарувининг асосий тамойилларини сақлаб қолган ҳолда унга баъзи ўзгартиришлар киритди.

“Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” бўйича Туркистоннинг вилоятларга бўлиниши, ҳарбий вазир фикрича, “аҳолининг этнографик, маиший ва иқтисодий шарт-шароитларини ўрганиш асосида эмас, балки ўлкани босиб олиш жараёни билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Уездларга бўлиниши эса аҳолининг рус босқинигача бўлган марказларида ташкил этилган эди. “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”да кўрсатилганидек, суд ҳокимиятини маъмуриятдан тўлиқ ажратиш тамойили Туркистон генерал-губернатори Барон Вревскийнинг фикрича, “Янги Европа қонунчилигининг натижаси бўлиб, уни Россия аҳолисига ҳам, шунингдек ўз ҳукуматининг қуллик зулмидан ҳоли бўлган Ўрта Осиё халқларига ҳам табдиқ этиб бўлмайди”.

Санкт-Петербурзнинг сиёсий доиралари ҳарбий миршаблик тартибларини ўлкада қўллашлари зарурлигини қуйидагича изоҳлаганлар: “Туркистон тузем аҳолиси ҳам жуда қуйи ақлий тараққиёт босқичидадир. Улар ҳуқуқ, маъмурият, қонун нималигини билишмайди. Жамият қонун қонун томонидан бериладиган ҳуқуқдан фойдаланишни билмайди, бу ҳуқуқ унинг зарарига хизмат қилади”.³²

Ана шундай каландимоғлик ва менсимаслик нуқтаи назаридан келиб

³¹ Ўша китоб. 114-бет.

³² Туркистонда Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т, 2000.

чиқилган ҳолда Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тизими юзага келган эди. Ўлка идораси марказий, вилоят, туман (уезд), жабҳа (участка), қишлоқ ва шаҳар бошқаруви шаклида ташкил топди. Бинобарин, Марказий ўлка бошқаруви генерал-губернатор, унинг кенгаши ва маҳкамасидан иборат бўлган.

“Ўзбекистоннинг янги тарихи” нинг 1-китобда Чоризмнинг Туркистонда амалга оширилган ҳукмронлик бошқарув тизими махсус жадваллар асосида жуда яхши ёритиб берилган. Маълумотларга қараганда Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирган. Бир вақтнинг ўзида у подшо ноиб, ҳарбий округ қўшинлари кумондони, Еттисув казак қўшинлари отамони, бош миршаб, бош прокурор вазифасини ҳам ўртаган. Унга Бухоро амири ва Хива хони ҳам бўйсинган.

Марказий бошқарувда генерал-губернатор маҳкамасининг роли ҳам катта бўлиб, бош бошқарманинг ижроия органи бўлган генерал-губернатор маҳкамаси дастлаб тўрт бўлимдан иборат бўлган 1-бўлим маъмурий ва назорат ишларини, 2-бўлим бош бошқарманинг молиявий-хўжалик ишларини бошқарган. 3-бўлим эса солиқлар, шаҳарлар маблағлари ҳамда бошқарувга доир низомлар лойиҳаларини тайёрлаш билан шуғулланган 4-бўлим махсус бўлим, унинг фаолият доираси ғоят кенг ва серқирра бўлган. 1886 йилгача мустақил иш кўрган бу бўлим ҳарбий ва адлия вазирлари кўрсатмаларига ҳилоф равишда суд қарорларини ҳам қайта қуриш билан шуғулланган. Генерал-губернатор бепоён ўлка ҳаёти билан асосан маҳкама бошқаруви орқали танишиб боргани учун ҳам бу идора ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Маҳкама асосан ўлка ҳокими учун ахборотнома, маъруза ва маълумотнома тайёрлаш, генерал-губернаторнинг шахсий мукофатларини сўзлаб иш юритган.

Туркистон ўлкаси Марказий Бош бошқармаси таркибида генерал-губернаторга бўйсунмайдиган марказ вакиллари адлия, молия, зироат ва давлат мулклари вазирликлари идоралари ҳам бўлган.

Юқорида айтиб ўтилганидек Туркистон ўлкаси беш вилоятга бўлинган бўлиб, уларни шахсан подшонинг ўзи тайинлаган ҳарбий губернаторлар бошқарганлар. Улар ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини ўз қўлида тутишган. Барча маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти ҳам уларнинг измида бўлган. Вилоятлар ўз навбатида туманларга, яъни уездларга бўлиниб, уларни туманбошилар идора қилишган. Туманбоши Россияда исправник, земство бошлиғи, полицмейстр шаҳар бошқармаси бошлиғи ҳуқуқларига тенг бўлган. Туманбоши вилоят ҳарбий губернатори тавсияси билан бевосита губернатор томонидан тайинланган. Туманбошилар кенг ваколатларга эгаллиги ва ўта мустақил иш юритишлари билан Россиядаги ҳамкасбларидан фарқ қилиб турганлар. Улар қўл остидаги аҳолидан истаган кишига жарима солишлари ҳамда 7 кунгача қамаб қўйишлари ҳам мумкин бўлган. Туманлар бир неча участкаларга бўлиниб бошқарилган. Участкаларни кичик унвондаги ҳарбий зобитлар, масалан поручник, штабс-капитан кабилар бошқарганлар. Улар приставлар деб аталиб, маҳаллий аҳолидан исталган кишига жарима солишлари ва 3 кунгача қамаб қўйиш каби ҳуқуқларга эга бўлганлар. Участка приставларига волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқоллари, юзбоши ҳамда элликбошилар бўйсунганлар. Ҳеч кимга сир эмаски, Туркистон ўлкасида подшо маъмурияти қишлоқ бошқарувини “ерли” ва “рус” каби икки тоифага ажратган. Бу ажратиш орқали Чор ҳукумати қишлоқ бошқарувини ҳам аста-секин русча идорага ўтказишни мақсад қилиб қўйган эди. Шу мақсадга эришиш учун ҳукумат Ўрта Осиёга мутлақ ёт бўлган географик ислоҳни бошлаб, волост қишлоқ йиғини кабиларни жорий қилади. 1867 йилдаги “Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларини бошқариш ҳақидаги Вақтли Низом лойиҳаси” деб аталган қонунлар мажмуасига кўра, кўчманчи аҳолига икки босқичли, яъни вилоят ва овуллар, ўтров аҳолига эса бир босқичли – оқсоқоллик бошқарув тизими жорий қилинади. Волост асосини мингдан икки минггача хонадон ташкил этган бўлса, овул асосини эса юз ўтовдан икки юз ўтовгача аҳоли ташкил

этган. Чоризм волост ва овул бошқарув тарзини жорий қилиб кўчманчи аҳолининг уруғчилик асосидаги тарихий бўлинишига якун яшани кўзлаган эди.

Волост бошқарувчиси – мингбоши, қишлоқ оқсоқоли, овул старшинаси аҳоли томонидан 3 йилга сайланиб, уларнинг номзодлари рус маъмурияти томонидан тасдиқланган бўлиши шарт бўлган. Волост бошқарувчисини сайловчилар вакиллариинг қурултойи сайлаган. Сайловлар қандай тартибда, қачон ва қандай йўл билан ўтказилганлиги ҳақида “Туркистон Чор Россияси мустамлакачилик даврида” китобида жуда яхши ёритиб берилган.

Рус ҳукумати Туркистон ўлкасини уч қисмга бўлган ҳолда мустамлака бўғовида ушлаб турди. Ўлкани бу тарзда парчаланишдан кўзланган асосий мақсад ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва қорақолпоқларнинг бирдамлигига ва катта бир оилага бирлашишларига йўл қўймаслик эди. Худди шу мақсадни кўзлаган ҳолда, руслар миллий низо уруғларини сочиб турдилар. Ўлкада рус тилига давлат мақоми берилиб, миллий тиллар бурчакка сиқиб қўйилди. Оқибатда рус тилини тарғиб қилиш ва ўрганиш зарурияти тобора кучая борди. Ўлкада очилган рус-тузем мактабларининг олдида Россияга содиқ кишиларни тарбиялаб етиштириш вазифаси қўйилди. Қисқа қилиб айтганда русларнинг Туркистонни иқтисодий ва маънавий тутқунликда тутиб туриш учун барча соҳада олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўз ҳосилини бермай қолмади. Туркистондаги адлия бошқарувида ҳам ўзига хос мустамлакача мезонида иш тутилди. 1867-1886 йиллар мобайнида ўлкада умумсалтанат рус судлари ва халқ судлари, яъни шариат асосида иш кўрувчи қози судлари фаолият кўрсаталр эди. Рус судларига туман судлари, суд палатаси ҳуқуқидаги вилоятлар бошқармалари, мировой судъелар қурултойлари, ҳарбий суд комиссиялари кирган бўлиб, туман судъелари мулкдан маҳрум этишга даҳлдор бўлмаган жиноий ишлар давлат хазинаси манфаатларига оид бўлмаган 2000 сўмгача миқдорда бўлган даъволарни кўришган. Вилоятлар

бошқармалари эса туман судлари ҳукмларидан имкониятлар қайта қуриш каби масалаларни ҳал қилган Давлат вазифаларини бажаришдаги жиноятлар ҳокимиятга қаршилик кўрсатиш, қароқчилик, давлат мулкани ўғирлаш, сохта пуллар ясаганларнинг ишлари каби туман судлари ваколатларига кирмаган ишларни ҳам вилоятлар бошқармалари кўрган. Халқ судлари эса шариат қонунлари асосида маҳаллий ўтроқ ва кўмакчи аҳолининг фуқаролик ва жиноий ишларини кўришган сиёсий ишлар уларнинг ваколат даражасига кирмаган.

1886 йилда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” мавжуд суд тартибини сақлаб қолган ҳолда унга айрим ўзгартиришлар киритилади. □ Мана шу Низомда туб а ҳолининг қози судида судланиши қуйидагича бошланади:

1. Айбланувчининг у ёки бу миллат ё элатга мансублигига қараб;
2. Содир этилган жиноят турига кўра;
3. Жиноят содир бўлган ҳудудга кўра;
4. Жиноят кимга ва нимага қарши қаратилганига кўра;

Худди мана шу белгиларга кўра жазо белгиланган ва жиноят расман шариат асосидами ё Россия империяси жиноий қонунларига кўра белгиланиши аниқланган.

Мустамлака даврида Туркистон ўлкасида уч турдаги “халқ судлари” мавжуд бўлган. Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Ёттисув вилоятларининг ўтроқ аҳолиси учун шароит, кўчманчилар учун одат, яъни бий судлари, Каспийёрти вилояти учун эса улардан фарқли махсус “халқ судлари” фаолият кўрсатган. Лекин бу халқ судларининг фаолияти вақтинчалик эди. Сабаб руслар ўлкадаги қози ва бий судларининг ваколатларини чеклаб, келгусида уларни тамоман йўқ қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар.

Хуллас, Туркистондаги сиёсий идора тизими туб аҳоли ўртасида ҳар қандай норозиликни таг-туш билан юлиб ташлаш ва шавқацизлик билан бостириш, бирон бир душманлик ҳолати изилса дарҳол унинг кучайишига

йўл қўймай буғиб ташлаш ва русларнинг куч-қудратини кўрсатиб қўйиш учун ҳар қандай чора-тадбир кўриш руҳи билан суғорилган эди. Чоризмнинг маъмурий сиёсати ўлкани иқтисодий жиҳатдан қонуни сўриш, маънавий-руҳий эзиш билан омукта равишда олиб бориш, пировард натижасида унинг мазмун-моҳияти Ўрта Осиё халқларини руслаштиришга қаратилган эди. Бу сиёсат тиғи империя васийлигидаги Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ҳам қаратилди. Империянинг ана шу сиёсатни Бухорода Россия император сиёсий Агентлиги, Хивада эса Амударё бўлими олиб борди. Сиёсий агент Бухоро амири устидан назорат олиб бориб унинг Петербург билан алоқа қилишида воситачи бўлган. Бухоро амирларидан Саид Абдулахадхон ва Саид Олимхон Россия императори марҳамати ва илтифотига эришиш йўлида барча воситаларни ишга солганлар Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ИИ эса Бухоро амиридан фарқли ўлароқ мустақил бўлишга интиланган. Шу мақсад йўлида у Туркия ва Англия вакиллари билан яширин музокаралар олиб борган. 1885 йилда Хивада ўтказилган бош ислоҳати хонликни рус моллари бозорига айлантиргани, пул ислоҳати эса иқтисодни мушкул аҳволга солгани муҳаммад Раҳимхон Иини мана шундай ҳаракатларга ундаган эди.

II-Боб: Рус босқинчиларининг Туркистонни иқтисодий ва маънавий тутқинликда тутиш сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш усуллари:

2.1.Туркистонни хом-ашё манбаи ҳамда тайёр маҳсулот бозорига айлантиришнинг салбий оқибатлари.

Ўрта Осиёнинг арзон хом-ашё манбаи ва рус саноат моллари сотиладиган қулай бозор бўлишини 1826 йилдаёқ генерал-маёр Веригин император Николай II га йўллаган тасдиқномасида баён қилган эди. Веригин Россияда ишлаб чиқарилаётган моллар мамлакат ичкарасида ҳам зўр-базўр сотилаётгани ва сифати паст бўлгани учун Европа бозорларида сира рақобатга дош беролмаслигини кўрсатиб, Ўрта Осиё бу жиҳатдан рус саноат моллари сотиладиган қулай бозорга айланиши мумкинлигини баён қилган эди. Бу фикрни сенатор граф К.К.Пален ривожлантириб шундай деган эди: “Туркистонни истило қилишнинг сиёсий сабабларини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам бу ўлка Россия тарафидан босиб олиншининг дастлабки кунлариданоқ Россия учун икки жиҳатдан қизиқиш уйғотади: 1)Молиявий сиёсий жиҳатдан давлат даромади манбаи ва ички ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун янги бозор; 2)Мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан марказий губерниялардаги ортиқча аҳолини кўтариш учун янги ҳудуд сифатида диққатга лойиқ эди”.³³

Империя юқори сиёсий доираларининг нуфузли вакили сенатор граф К.К.Пален ўлканинг метрополияга тўлайдиган солиқлари миқдорини аниқ билгани ҳолда уларни янада ошириш режасини ҳам ишлаб чиққан эди. Бу режа изчиллик билан амалга оширилган. Агар XIX аср охирида ер солиғи 4 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 1914 йилга келиб у 75 фоизга кўпайди. Россиянинг Туркистондан оладиган даромади 300% га олинди ва 1916 йилга келиб 38329 минг сўмни ташкил қилади.

Империянинг Туркистон хом-ашёсидан оладиган фойдасининг аниқ

³³ Ўзбекистон тарихи. 9-синф учун дарслик. Т, 2006. туркистон Россия истеълоси даврида.

миқдорини ҳеч ким билмаган ва у фақат метрополия буржуазиясигагина маълум эди. Россия тўқимачилик саноати маҳсулотлари қиммати 1900 йилдан 1913 йилга қадар 150% ошганидан келган фойда ҳам шу рус капиталистларининг чўнтагига тушган ва унинг ҳам миқдорини ҳақ ким билмайди.

Россия Туркистонни қисқа муддатда ўз саноати учун хом-ашё манбаига айлантирди. Агар 1885 йилда пахта майдони 41,4 минг танобни ташкил қилган бўлса, 1915 йилга келиб у 514,9 минг танобга етди, яъни 13 баробарга ўсди. Бу ҳақда Туркистон жадиidlари етакчиларидан Убайдуллахўжа Абдуллахўжаев 1917 йил июль ойида Қозонда ўтган 2-Бутунроссия мусулмонлар курултойида шундай деган эди: “Шу кунгача Туркистон рус капитамитлари учун говмиш сигир бўлиб келмоқда. Бугунда Туркистон Россияга пахта етказувчидир. Ҳонузгача тўхтатилаётган уруш туфайли пахтага эҳтиёж тобора ортиб бормоқда, чунки у порох тайёрлашда керакдир. Агар урушгача бўлган даврда Америка пахтасининг 1 пуди Россияга 18 сўмдан тушган бўлса, ҳозирда барча молларга нарх-наво 3 баробар ошганда, 1 пуд Туркистон пахтаси Россия томонидн 7 сўмдан 10 сўмгача сотиб олинмоқда, ҳолбуки, ё пуднинг баҳоси ҳозирда 20 сўмни ташкил қилиши лозим. Демак, Туркистон пахтакорлари ҳар пуд пахтадан 10-12 сўм зарар кўришмоқда. Бундай шундай хулоса чиқадики, агар Туркистонда йилига 10-12 млн.пуд пахта етиштирилса, у ҳолда бизнинг пахтакорлар томонидан ишлаб топилган 100 млн. сўм ҳар йили рус капиталистлари чўнтагига тушмоқда.”³⁴

Метрополиянинг иқтисодий сиёсати Туркистонниг хом-ашё базасига айлантириш, уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида тутиб туриш ва табиий бойликларини марказга ташиб кетишга қаратилганди. Туркистон мўмай даромад манбаи сифатида ҳам Чор Россиясининг хазинасини бойитиб бораётган эди. Бу даромадлар 1867-1896 йилларда 4 баробарга кўпайди, аҳолидан олинадиган солиқлар 1889-1893 йилларда 40%га ошди.

³⁴ Юқоридаги китоб. 229-бет.

1869-1896 йиллар давомида империя хазинаси ўлкадан 158 млн. сўм даромад олди. 1884 йиллардан бошлаб ўлкада “Америка” навли пахта экиш кенг йўлга қўйилди. Бу ишнинг ташаббускорлари ва бошловчилари Г.Беяков, Н.Росвский, С.Торсин каби плантаторлар бўлдилар. Энг катта плантация Катта Ярасловль мануфактурасига тегишли эди, кейингиси эса рус келгиндиларининг Андреев хутори бўлиб, у 700 таноб майдонни эгаллагандир.

XX аср бошларида пахтачилик Туркистон саноати ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40%ини ташкил этган бўлса, дон -37%, бошқа экинлар эса 1,2 %ни ташкил этган.

Рус мустамлакачилари Туркистондан 1914-1916 йиллар мобайнида 59 млн. пуд пахта, 8,5 млн. пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2925 минг пуд тери, 300 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ олиб келганлари Туркистон империянинг хом-ашё манбаи бўлишидан ташқари у Россиянинг Европа бозорларида рақобатга дош бера олмайдиган ўтмас мотоҳларининг сотиладиган қулай бозорига ҳам айлантирилди. XX аср бошларида Туркистонга келтирилаётган темир, мис, чинни идишлар, газлама ва бошқа маҳсулотлар миқдори 8 марта кўпайган. Хусусан, биргина Фарғонага Москвадан 605412, Ирбитдан 5000, Нижний Новгороддан 71233, Оренбургдан 23910, Лоуздан 33600 рубллик моллар келтирилган.³⁵

Рус капиталистлари ўз манфаатларини ўйлаб қайта ишлаш саноатини ўстиришни истамаганлар ва асосий капиталларини савдо сотиқ муамаласи доирасига сарфлайдилар. 1913 йилдан 1915 йилгача Москва ва Санкт-Петербургнинг фирма ва ширкатлари ўлка хўжалигига сарфлаган 313 млн. маблағнинг 60% кредит тармоғига тўғри келган. Туркистондаги хусусий тижорат банклари икки катта корчалон гуруҳни: Москва ва Петербург банкларини ташкил қилиб, ўлка иқтисодиётида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Мунтазам ўтказиб келинган иқтисодий зўравонликнинг оқибатларидан расмий идоралар ташвишга тушгани ҳақида маълумотлар

³⁵ Ҳуррият газетаси. 1917, 15 август.

бор. Хусусан танлиқли мутахассислардан Н.П.Верховский чоризмнинг Туркистонни хонавайрон қилувчи иқтисодий сиёсатини танқид қилиб, 1909 йилда бундай ёзган эди: “Бундай ижтимоий-иқтисодий эволюциянинг бориши ўлкани буткул хонавайрон қилибгина қолмай, барча руслардан ёцирашга олиб келади. Хонавайрон бўлган аҳолининг иқтисодий норозилигини кучайтириб, ҳукуматга ва русларга қарши ташвиқот учун қулай замин яратадиган нуфузини вужудга келтиради”.³⁶

1916 йил 4-6 мартда бўлиб ўтган Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти мажлисида пахтачилик билимдони ҳисобланган С.Понятовский Россиядан келтириладиган газлама, темир, мис буюмлар, чой ва дон маҳсулотларига ҳеч қандай чекланизсиз нарх-наво қўйилгани ҳолда, масалан, биргина ёғнинг нархи 1913-1916 йиллар давомида 20 баробар кўтарилгани ҳолда пахтага нарх қатъий нормада сақланиб қолаётганига диққатни қаратади. “Москва – деган эди у, - бизнинг Ўрта Осиё пахта толасига нихоятда катта эътибор бераётганини кўриб турибмиз ва бу эътибор келгусида улкан фалокатга олиб келади”.³⁷

Пахта якка ҳокимлиги Туркистон саноатига тамоман мустамлака тусини бериб, уни метрополия буржуазиясига рақобатга эмас, балки унга хизмат кўрсатувчи соҳага айлантирган эди.

Рус буржуазияси ва шаклланиб бораётган Туркистон буржуазияси ўртасидаги муносабатда ҳам шу ҳолат ўз аксини топади.

Марказдаги капиталистлар чет эл фирмалари билан ҳамкорликда Туркистон бойликларини ўзлаштириш ишида маҳаллий буржуазияни Туркистон саноати, қишлоқ хўжалиги ва ер ости бойликларини ўзлаштириш ишига нисбатан капиталистик муносабатлардан келиб чиққан ҳолда сиёсат ўтказар ва ана шу масалада дворян-помишчиклар билан тўқнашар эди. Россия ҳукуматида катта мавқега эга бўлган дворян-помишчиклар эса Туркистонга нисбатан ҳарбий-феодал юритиб, очикдан-очик унинг бойликларини талаш, ер-сувларини тортиб олиш тарафдори

³⁶ Юқоридаги китоб. Т, Шарқ, 2000, 230-бет.

³⁷ Юқоридаги китоб.

эдилар. Ҳар икки синф манфаатларини мувофиқлаштиришга уринган подшолик шунинг учун ҳам мустамлакаларда “Ҳарбий феодализм” сиёсатини ўтказиб келарди...

Қисқа қилиб айтганда, Россиянинг Туркистондаги аграр сиёсати ўзида метрополия дворян помещиклари ва буржуазиясининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини яққол гавдалантирди.

Бу сиёсатнинг бош мақсади ўлкани империя саноатининг хом-ашё маконига айлантириш эди. Империя ҳар икки ҳукмрон синфнинг манфаатини кўзлаб иш тутди. Аграр сиёсатда дворянлар талабига кўра Туркистон халқига тегишли ерларни зўрлик билан тортиб олди ва рус посёлкаларини барпо этди. Подо ҳукуматининг аграр сиёсати ва унинг тиғи бўлган кўчирувчилик тартиблари ўлкада русларнинг кўпайишига олиб келди. Шу билан бирга кўчириб келтирилган русларга маҳаллий халққа нисбатан бир неча баробар кўп ҳуқуқ ва имкониятларнинг берилиши уларнинг иқтисодий мавқеини янада кучайтириб, маҳаллий халққа нисбатан калондumoғлигини оширди. Бу эса буюк рус шовинизмининг ижтимоий-иқтисодий заминини яратди.

Рус буржуазиясининг талабига кўра Туркистон қишлоқларида пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширди. Россиянинг Давлат Кенгаши, Вазирлар Қўмитаси ва Давлат Думасида Туркистон ҳақида қабул қилинган қонун-қоидаларда дворян-помещиклар ва буржуазия манфаатлари ўз аксини топди.

Санкт-Петербург ўтроқ аҳолининг ерларини қишлоқ жамоалари ва йиғинларига бириктирган ҳолда, солиқ бўйича доиравий маъсулиятлик қоидасини жорий этиш билан судхўрликни авж олдирди. Империянинг кўчирувчилик сиёсати натижасида ерсиз қолган маҳаллий халқ кундан-кунга кўпая борди. Аграр сиёсат империянинг ҳарбий-ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг узвий қисмига айлантирилди. Рус посёлкалари ва туб жой аҳоли яшаб турган қишлоқларда рус хўжаликларининг вужудга келтирилиши ана шу сиёсатнинг амалдаги ижроси бўлди. Туркистондаги

хар бир рус посёлкаси бутун бир ботольон хизматини ўтови ҳарбий кучга айлантирилди.

Амалга оширилган иқтисодий сиёсат ер сувни яйловларни ва барча табиий бойликларни чор ҳукумати қўлида жамлади, улар мўмай даромад манбаига айланди. Метрополия ўлкани хом-ашё маконига айлантириб, пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик ва бошқа муҳим хом-ашё маҳсулотлари етиштириш тармоқларига катта эътибор берди.

Россиянинг мустамлакачилик сиёсати Туркистонни рус товарлари сотиладиган, тайёр маҳсулотлар харид қилувчи бозорга айлантирди. Бу эса маҳаллий ҳунармандчилик инқирозга олиб келди, ягона миллий бозорнинг ривожланишига йўл бермади.

Чоризмнинг Ўрта Осиёда аграр сиёсати борасида муайян, аниқ ишлаб чиқилган сиёсати бўлмаган. Туркистонда аграр ислоҳат ўтказиш борасида анча ошқиди. Шарқда аграр масала асосий масала бўлиб, у фақатгина иқтисодий ва ижтимоий эмас, сиёсий масала ҳам эди. Ернинг кимга тегишли эканлиги, мулкдорлик шакллари давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб берарди. 1866 йилги Низомда “Туркистон ўлкасининг ер тузилиши” деган махсус бўлим бўлиб, ўлкадаги ер хўжалик муносабатларини тамомила ўзгартириб юборди. Низомнинг 255-моддасига кўра Туркистон ўлкаси ерлари, ўрмонлар ва ер ости бойликлари ҳам давлат мулки деб эълон қилинди, яъни улар Россия мулкига айланди. Булардан фойдаланиш эса империянинг умумий қонунлари билан белгилаб бериладиган бўлди. Шундай қилиб битта фармойиш билан маҳаллий аҳоли ўз ерига нисбатан ўзининг азалий тарихий ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолди.

2.2.Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати.

Рус мустамлакачиларини Туркистондаги кенг тармоқли халқ маорифи ўчоқлари: мактаблар ва мадрасалар ғоят ажаблантирган эди. Истилочилар уларнинг фаолияти билан танишиб, мустамлакачилик тадрижи учун ўша мактаб ва мадрасаларнинг ғоятла хавфли эканлигини пайқадилар.

Чоризм руслаштириш сиёсатини айти шу соҳадан бошлаш кераклигини англаб, ўз дастурини ишлаб чиқишга киришди. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори бу соҳада айниқса жон куйдириб фаолият кўрсатди. Унинг бу соҳадаги ишлари беҳуда кетмади. 1880 йилда Империя Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини руслар билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилганда Туркистон аҳолисининг “савдо-сотиқ деҳқончиликда суяги қотганлиги ва ювош табиати” таъкидланиб, уларнинг “империядаги бошқа мусулмонлардан кескин ажралиб туришлари” қайд қилинади.

Империя Давлат Кенгашининг 1880 йил февраль ойидаги қарори Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфмон томонидан қизғин кўллаб-қувватланди ва руслаштириш сиёсатининг янги бир жабҳаси халқ маорифига қаратилди. Кауфман “руслар ва туземецларнинг болаларини биргаликда тарбиялаш” масаласини кўтарди. У мусулмон ва рус мактабларининг ажралиб туриши “иқтисодий” ва “сиёсий” жиҳатдан зарарли деб ҳисобланди.³⁸ Бу ғояни Кауфмоннинг издоши генерал-лейтинант Н.О.Розенбах давом эттириб, ибтидоий турдаги бошланғич мактаблар – “рус – тузем” мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилиб, уларнинг сони XIX аср охирида юздан ошиб кетди. Бундай мактабларда ўқув куни икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда икки соатлик машғулотни рус ўқитувчиси (ўқув, ёзув, ҳисоб бўйича) иккинчи қисмда эса

³⁸ Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т, Шарқ, 2000. 253-бет.

сабоқни ўзбек муаллими олиб борган.

Фарғона 1898 йилда императорга йўллаган ҳисоботида подшо маъмуриятининг ўлкани руслаштириш бобидаги дастурини баён этиб, “туземецларнинг ўз болаларини ихтиёрий равишда рус-тузем мактабларига беришга эришиш муҳимлигига эътиборни қаратган. Бунинг учун у маҳаллий маъмурият амалдорларига яқин беш йил ичида иш юритишни рус тилига кўчиртириш лозимлигини ўқтиради. Корольков бу тадбир “туземецларни” мансабга қизиқиб, фарзандларини рус тузем мактабларига беришга истагини уйғотади, деб ҳисоблаган. Подшо генераллари рус-тузем мактаблари ва шаҳар билим юртларини муваффақиятли тугаллаган туб ерли аҳолининг болаларига жиддий имтиёзлар берилсин”³⁹, декан фикрни илгари сурдилар. Туркистон маорифи раҳбарларидан бири бўлган В.П.Наливкин ўз маслақдошлари ўртасида шундай ғояни илгари суради: “Ўлкада рус таъсирини мустаҳкамлаш учун икки томонлама иш олиб бориш керак. Аҳолининг икки асосий гуруҳи ўзаро бир-бирларига яқинлашсин. Рус тилини маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқатиш билан бирга руслар, айниқса, хизматдаги одамларга маҳаллий оғзаки нутқни ўргатиш керак”⁴⁰. Вилоят ҳарбий губернатори Н.С.Ликошин, В.Н.Наливкиннинг мана шу ғояни ёқлаб чиққан амалдорлардан бири бўлиб, у 3 йил ичида ўзбек тилини мукаммал ўрганади. Ликошин Туркистонда хизмат қилувчи ҳар бир рус мансабдори маҳаллий тилни билиши шарт деб ҳисоблайди. Чунки маҳаллий маъмурият вакиллари, аҳолининг нуфузли қатлами, уламо ва зиёлиларни билимида, уларни назорат қилиб туришда, халқ кайфиятидан вақтида хабардор бўлиб туришда бу энг яхши восита эди.

Шунинг учун рус амалдорларига Туркистон халқлари тилларини ўргатувчи комиссиялар ташкил этилади. Комиссия ўзбек, тожик, қирғиз тилларини ўрганган рус амалдорларини рағбатлантириш мақсадида мукофотлар жорий қилади. В.П.Наливкин 1886 йилда рус зобитларига

³⁹ Бендриков К.Ё. Очерки по истории народного образования в Туркистане. 91865-1924). Москва, 1960, 67-70 бетлар.

⁴⁰ Ўша асар. 73-бет.

Ўзбек тилини ўргатадиган курслар очиб, икки йил мобайнида 50 га яқин зобитга ўзбек тилини ўргатади. Ўзбек тилини ўргатишга оид қўлланмалар, лўғатлар ва бошқа асарлар ёзади, биринчи рус-тузем мактабига раҳбарлик қилади. Рус ўз кўзлаган мақсадларига эришмоқ учун барча чоратадбирларни кўрадилар. Аҳолини, ўсиб келаётган ёш авлодни руслаштиришда билим юртларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини англаган Туркистон генерал-губернатори М.Г.Черняев Чимкент шаҳар билим юртини кенгайтириш учун юз минг рубль ажратади ва мана шу билим юртда ўқишни истаган хотин-қизлар учун мукофатлар таъсис этади. Шведсариялик Генрих Мозер М.Г.Черняевдан “туркистонликларни руслаштиришнинг қачон охирига етказасиз?” деб сўраганда, Черняев сипоҳларга хос жангарлик билан “маҳаллий аҳоли рус ароғи ва тамакисига ўрганиб бўлгандан кейин”, деб жавоб берган.⁴¹

Россия маъмурияти руслаштириш сиёсатида ёшларга катта эътибор қаратади. Сабаб – улар маҳаллий халқни идора қилиш келажагини ёшлар орасидан тарбияланадиган содиқ қўлларда кўрган эди. Шу боисдан ҳам улар Туркистон ёшларини империянинг марказий шаҳарларига саёҳатга юборадилар. 1898-1899 йилларда шахсан генерал-губернаторнинг ташаббуси билан аввал катта ёшдаги туркистонликлар, сўнг ўқувчилар саёҳатга юборилади. Саёҳатдан кўзланган асосий мақсад ҳақида Туркистон ўлкаси билим юртлари бош инспектори Ф.Керенский шундай деган: “Сартлар ва қирғизларнинг болалари Россия улуғворлигини, қудрати ва бойлигини кўриб, аҳолининг машғулоти, меҳнат унуми, саноати ва савдо-сотиғи билан танишиб, бу ҳақда узоқ эслаб, бошқаларга гапириб юришади. Улар буюк оқ подшонинг қудратли паноҳида фақат русларгина эмас, бошқа ўзга элатлар ҳам осойишта кун кечираётганига гувоҳ бўлишади”⁴². Биринчи саёҳатларини 1899 йилда ҳарбий вазирнинг шахсан ўзи қабул қилиб, улар билан мулоим тарзда суҳбатлашади ҳамда совға

⁴¹ Мисли русского человека. Т, 1899, 10-бет.

⁴² Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т, Шарқ, 2000. 256-бет.

тариқасида уларга 300 рубль беради. Сарское селого томонга юбориб, уларга йўл бошловчи қилиб генерал штаб подполковнигини тайинлашади.

Туркистонлик 14-18 ёшлардаги 15 ўзбек, 2 қозоқ ва бир тожикдан иборат бўлган саёҳатчилар император Николай ИИ ва унинг рафиқаси Мария Федоровна билан суҳбатлашиш бахтига сазовор бўладилар. Саёҳатчилар икки ой мобайнида Санкт-Петербург, Москва ва Россиянинг бошқа йирик шаҳарларини томоша қиладилар. Бундан кейин икки экскурсия ҳам шундай дабдабали тарзда ўтади.

Рус амалдорларига русчани яхши билган ва халқ кўзини очиб, ғафлат уйқусидан уйғотадиган зиёлилар асло керак эмас эди. Улар Туркистон зиёлилари катта мансабга эришса, ўз халқи учун хизмат қилишлари ва мустамлака тартибларига қарши чиқишлари мумкинлигидан хавфсирар ва ҳатто қўрқар эдилар. Шунинг учун рус амалдорлари бундай зиёлиларни каттароқ лавозимга эга бўлишига йўл қўймадилар. Биргина мисол, 1899 йил февраль ойида Туркистондаги эркалар гимназиясида шаҳар жамоатчилиги билан йиғин бўлади. Йиғинда Туркистон генерал-губернатори ёрдамчиси генерал-лейтинант Н.Иванов сўзга чиқиб, мадрасаларда рус тилини алоҳида предмет сифатида жорий этишни таклиф қилади. К.Иванов бу ишда ҳам “сопини ўзидан чиқариш” қабiliда иш тутиб, илғор ўзбек зиёлиларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Туркистон зиёлиларидан бири бўлган журналист Муҳиддинхўжа қози генерал Ивановнинг фикрини қувватлайди, лекин унинг Осиё маданиятини ерга уриш ва мадрасаларнинг аҳамиятини камситганига қарши чиқиб, европанинг Осиё маданиятидан ўрганса арзийдиган ижобий томонлари ҳам борлигини ўқтириб ўтади. Муҳиддинхўжа қози мана шу гаплари учун ўша йили ўтган сайловларда ғолиб чиққан бўлса ҳам, номзоди тасдиқланмайди. Вилоят ҳарбий губернатори генерал Н.Карольков ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, сайлов натижасини бекор қилади ва қўшимча янги сайлов ўтказишни, унга Муҳиддинхўжанинг номзодини киритмасликни буюради.

Генерал Карольковнинг императорга тақдим этган ерли аҳоли

турмушига маънавий-руҳий тазйик ўтказиш дастурида ўлка хотин-қизларини ва болаларни русча ҳаёт тарзига ўргатиш алоҳида ўрин эгалланди. Корольковнинг фикрича рус аёли билан маҳаллий хотин-қизлар бир жойда бирга яшаса, доимий алоқада бўлса, аста-секин маҳаллий хотин-қизларда худди рус аёлиникидек ҳаёт тарзини яхшилаш фикри уйғонади, насронийча тасаввурларни ҳам сингдириб боради ва бу ҳол унинг фарзандларини тарбиялаш жараёнида ўз таъсирини албатта кўрсатади. У ўз фикрини амалда исботлаш учун бир қанча рус аёлларини амбулаторияларга жойлаштиради, амбулаторияларнинг сонини янада кўпайтиради.

Генерал-губернатор С.М.Духовский ҳамда генерал Корольков империя ҳукумати ҳарбий вазирига 1898 йил 8 сентябрда юборган ахборотида рус ҳукуматининг Туркистон ўлкасида амалга ошириши лозим бўлган ишлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирадилар. Булар куйидагилардан иборат эди:

1.Халқнинг маънавий-руҳий ҳолатига кучли таъсир ўтказувчи барча мусулмон муассасалари, айниқса мадраса ишларига фаол даражада аралашин.

2.Барча маҳаллий мусулмонларни бирлаштиришга қодир орган сифатида мусулмон диний бошқарувчи идорасига йўл қўймаслик.

3.Барча ерли мактабларни маъмурият ихтиёрига ўтказиш ва барча маҳаллий мусулмон ўқув юртлари ва диний муассасаларни тўла руйхатдан ўтказиш.

4.Туркистондаги барча мусулмонларга, яҳудийларга нисбатан ўрнатилганига ўхшаш муносабатларни жорий қилиш: шунинг учун барча ерли мусулмон мактабларига 1893 йил 1 март қонунни қўллаш: шу қонунга кўра мусулмон мактаблари ўқитувчилари ҳар йили алоҳида гувоҳномалар олишлари ва улар учун ҳақ тўлашлари лозим.

5.Сиёсий жиҳатдан зарарли деб топилган мусулмон муассасаларини ёпиш ҳуқуқини генерал-губернаторга бериш, оила ва никоҳ ишларини ҳал қилиш ҳуқуқини рус маъмуриятига қайтариб бериш.

Генерал-губернатор бу таклифларнинг умумий асосини белгилаб “нодон ва эҳтиросли осиёликлар учун ислом ҳмаон кучли таъсир қилишини” уқтириб, бу таъсир ҳали узоқ давом этишини таъкидлайди.

Мустамлака даврида аҳолининг дунёвий билимларни ўрганиши устидан давлат ғамхўрлиги диёрли бўлмади. Илм-фан ва маданиятни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида уларнинг бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқалар, ижодий ҳамкорлик эътибордан четда қолди. Мустамлакачилар, энг аввало маҳаллий халқнинг ўзлигини танишга монъелик қилди. Аксинча, турли йўллар билан рус маданиятини тарғиб қилишга киришдилар. Улар учун кишиларда, жамият аъзоларида ижтимоий лоқайдлик, манқуртлик ва хаттоки, Ватан туйғуси софлиги ва мустақиллик учун бефарқлик юзага келиши сув ва хаводек зарур эди.

Ўзининг ёзув мақсадини амалга ошириш учун Рус давлати ўлкада кўплаб европача ижодий уюшмалар, бирлашмалар ташкил этишга хомийлик қилди.

Рус мустамлакачиларининг Туркистон халфлари фани ва маданиятига тубан муносабатда бўлгани ҳақида рус шарқшунос олимлари Ё.Ф.Кол устози Барон Розенга йўллаган мактубида шундай деган: “Бу ерда ўлкани тарихий, лингвистик ўрганишга жуда лоқайдлик ҳукмрон. Энг ачинарлиси ва энг ёмони шуки, маҳаллий рус жамиятининг кўпчилиги туземецларга паст назар билан қарашади. Уларнинг ҳаёти, турмуши, тарихи, тили ва бошқа томонларига мутлақо бефарқ муносабатда бўлишади”...

Туркистоннинг маданий бойликларини фақатгина руслар эмас, балки чет эллик саёҳатчилар ҳам беаёв талаганлар 1895 йилда ўлкада бўлган швед меъмори Мартин бу ҳолатга жаҳон фан-маданияти нуқтаи назаридан чек қўйишини сўраб Россия империя ҳукумати бошлиғи граф С.Ю.Виттега мурожат қилади. Мартин Самарқанддаги меъморий ёдгорликларнинг биргина Туркистон, Осиё учунгина эмас, балки умумжаҳон маданияти учун ҳам улкан аҳамиятини таъкидлаб, граф Виттедон Самарқанддаги улуғвор обидаларни вайронагарчиликлардан сақлаб қолиш учун зудлик билан чора-

тадбирлар кўришини илтимос қилади.

1870 йилда оилавий кутубхона, 1876 йилда Тошкент оммавий музейи очилиб, бу муносабатлар олдига Туркистон маънавий бойликларини илмий асосда ўрганиш, уларни империя манфаатлари йўлида ўзлаштиришни марказлаштирадиган муасасалар хизматини ўташ каби азифа қўйилган эди. Бу муносабатларда Туркистон халқларининг моддий ва маънавий бойликлари тўпланиб, қисмати аниқланар ва энг ноёб, жаҳон аҳамиятига моликлари марказга – Санкт Петербург ва Москвага олиб келинган. Шу тариқа йиллар давомида олиб борилган илмий қидирув ва археологик қазишмалар натижасида топилган кўплаб ёдгорликлар Россияга ва бошқа чет элларга олиб кетилди.

Хулоса қилиб айтганда империянинг мустамлакачилик сиёсати халқ маъорифи ва маданий ҳаётида ўз аксини топди. Асосий эътибор ўлкада руслаштиришга хизмат қилувчи рус-тузем муносабатлари тармоғини юзага келтиришга қаратилди. Умуман олганда, Россия империяси илм-фан. Халқ маорифи, матбуот ва маданият юзасида Туркистон халқларининг қадимий тарихи, тили, урф-одатлари, миллий ғурури ва эрксеварлик туйғуларини йўқотишга, қисқаси халқни ўзлигидан жудо қилишга бор кучи билан ҳаракат қилди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади ўлкадаги миллий давлатчилик, миллий онг, миллий ўзликни англашга қаратилган барча ҳаракатларни таг туби билан қўпариб ташлаш эди.

2.3. Мавзуни янги педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг аҳамияти

Ҳозирги замон илмий-техникавий тараққиёти нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданият соҳасига, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан кейинги ўн йилликларда пелагог олимлар диққатини жалб қилган долзарб муаммолардан бир педагогик технология ҳисобланади. Кўпчилик олимлар технологиялаштиришни объектив жараён деб, янгича сифатий

муаммоларни ечиш учун таълимни эволюцион босқичга кўтариш шартларидан бири эканлигини эътироф этмоқдалар. Таълим соҳасига бундай ёндашиш Юнеско томонидан ҳам маъқулланди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач Президент И.А.Каримов томонидан таълимнинг миллий модели яратилди ва уни рўёбга чиқариш босқичлари ҳар жиҳатдан илмий асослаб берилди. Унинг иккинчи ва учинчи босқичда “Ўқув тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш жиддий вазифалардан бири эканлиги кўрсатилди.

Хўш педагогик технология нима: - Педагогик технология бу ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёнидир.

“Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганиш” мавзусини ўқувчиларга етказиш, тутушнитирш учун уларнинг бу мавзу хусусида тўла ва кенг маълумотга эга бўлишлари учун қандай услубиятлардан фойдаланиш ўқитувчининг касб маҳоратига ўз фанини қанчалик ўзлаштирганлигига боғлиқдир.

Мактабда ўқувчиларнинг ўқув фаолияти, фанга қизиқиши ва ўзлаштириши бош масаладир. Бу масалалар ўз навбатида ўзига хос муаммоларга эга бўлиб, уларни ечиш ўқув жараёнининг турли шакллари давомийлигида ўқувчиларнинг фаоллиги билан боғлиқ бўлади. Бу муаммоларни ечиш жараёнида янги фаолият кўринишлари намоён бўлади, ҳамда ўқувчилар руҳиятида муайян ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгариш билан ўқувчиларнинг мустақил фаолияти орасидаги боғлиқликни ўқитувчи моҳирлик билан бошқариши лозим. Аини пайтда ўқитувчидан бу фаолиятни муросамалик поғонасига дадил етаклаши талаб этилади. Ўқитувчи ўқувчиларда ўз фанига қизиқиш ўйғотиш, унинг ички муҳим хусусиятини чуқур англаб етишларига, ўқув материалларининг мазмунини пухта ўрганишларига эришиш, қўйилган муаммоларнинг ечилишига дадил

киришиш, кўникмаларни ҳосил қилишга астойдил киришишни тақозо этади. Бунинг учун ўқитувчи муаммоларни ечишга қаратилган усулларни ишлаши ва ўз ўрнида қўллай билмоғи даркор. Шундан сўнг ўқув воситалари ва уларга мос ўқитиш шакли танланади.

Ўқувчиларнинг технология тайёргарлиги, фикрлаш даражалари ёки олган билимларини ўзлаштириш даражаларига қараб ҳар бир таълим босқичи учун мос мавзу ва методлар танланади. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос мазмунини баён қилиш мантиқи ва услублари бор. Таълимда ҳар доим услублар ва мазмун муаммоси мавжуд бўлиб, бу муаммолар бир-бири билан узвий боғланган. Таълим услубиятидаги муаммолар “Кимни қандай ўқитамиз” – деган савол билан боғлиқ бўлиб, бунда таълим услубларини ишлаб чиқиш унинг мазмунига боғлиқ эканлигидан келиб чиқади. Бу икки муаммо бир-бирига қарама-қаршиликда бўлиб, ўзаро бир-бирини тўлдириб боради.

Методиканинг мақсади ўтилаётган фаннинг мазмун-моҳиятини ёритиш ва фаннинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат. Бунд ўқув фани ўқувчиларнинг барча талаб ва эҳтиёжларини қондириши лозим.

Ўқитувчи дарс мобайнида ўқувчига иложи борича ўрганилаётган мавзудан кўпроқ ахборот беришга ҳарақат қилиши керак. Ўқитувчи:

- 1) Ахборотларни тўплаш;
- 2) Ахборотларни танлаш ва қайта ишлаш;

3) Ўрганилган ахборотларни қўллаш каби билимнинг 3та босқичидан иборат бўлган оделига риоя қилган ҳолда дарс ўца, дарс ўқитувчи кутганидек яхши самара бериши мумкин. Ўқитувчи кейинги кавбатда ўқувчи билиш фаолиятининг фаоллашувжараёнига ўтиши керак. Шундагина билим кўникмага, кўникма эса малакага айланади. Ўқувчи билиш фаолиятининг фаоллашуви қатор принципларга таянади. Булар фанни ўрганишга қизиқтириш, таянч ибораларига асосланиш, муаммоси методларни қўллаш, мустақил ишларни ташкил этиш, ялпи ва якка

ишларни ташкиллаштириш кўргазмали ва техник воситалардан фойдаланиш, таълим мазмуни турмуш билан боғлаш, фанлараро алоқадорликни ўрганиш ва ҳоказолар.

Бугунги кунда республикамизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар билан бирга ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз даражасини жаҳон андозаларига етказиш учун муҳим ишлар қилинмоқда. “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши таълим-тарбияни ривожлантиришда янги босқичнинг бошланишидир.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохатлар ичида Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш марказий ўринни эгаллайди. Зеро ўтмишини билмасдан, ўрганмасдан туриб келажакни яратиб бўлмайди.

Бугунги кун педагоглариининг олдида қўйилган асосий ва шарафли вазифа – ўқувчиларнинг миллий онги, сиёсий, назарий-илмий дунёқарашини шакллантириш, ўтмиш ва ҳозирги замондаги воқеа-ходисаларга илмий ҳолислик ва тарихийлик тамойилларига амал қилган ҳолда муносабат билдиришга қодир умуминсоний қадриятлар асосида ёндашган эркин фикрлайдиган, мамлакатимизнинг юксак парвозига зўр қанот бўлувчи комил инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Б) Мавзуни “Мунозара” ва “Кейс стади” услуби асосида ўқитиш.

Ҳар бир касб ишининг ўзига ҳос иши усули ва йўналиши бўлади. Дарсда мавзуни ўқувчиларга етказишнинг турли ҳил усулларида кенг фойдаланиш мумкин. Педагогик амалиёт ўтган давримда мен шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, бугунги кунда ўқувчиларни дарс мобайнида еркин ишлашига, еркин фикрлашга йўналтириш фақатгина мавзунинг тушунарли бўлишини таъминлаб қолмасдан, балки ўқувчиларда янги дунёқарашнинг шаклланишида ҳам асосий ўринни эгаллайди. Мен амалиёт ўтаган давр мобайнида дар ўтишнинг, мавзуни ўқитишнинг бир қанча янги услубларини ўргандим, ҳамда мана шу услублардан фойдаланган ҳолда

ўқувчиларга дарс ўтдим. Мана шундай ўқитишнинг фаол услубларидан бири бу “Мунозара” услубидир.

Енг қулай усуллардан бири деб топилган “Мунозара” усули ўқувчининг мавзу доирасидаги билимларини пухталаштириб қолмай, балки ўқувчиларнинг чуқур билим ва қўшимча маълумотларга ега бўлишларини такозо этади. Мунозра усул ўқувчиларни бир мавзу устида фикр юритишга, мавзунинг яхши очиб берилмаган томонларини ёритишга, билимларни мустаҳкамлашга имкон берувчи усулдир. Бу усул аввало ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги муносабатнинг яхши йўлга қўйилишини таъминлайди, ўқувчиларнинг мавзу билан боғлиқ тушунчаларини айта олишлари, мустақил фикр юритишларига ёрдам беради.

Синфни мунозарага тайёрлаётган пайтда мунозара қилиниши керак бўлган мавзу ва саволлар ўқувчиларга олдиндан берилади. Мунозара шаклларида бири танлаб олинади, мунозарада ўқувчиларнинг тўла иштирок етишига еришиш керак. Мунозара давомида ўқувчиларга ўз тушунча ва фикрларини еркин ифодалашларига имкон бериш керак. Мунозара тартибли ва самарали ўтиши учун ўқитувчи томонидан бошқарилиб турилиши керак.

Мавзу: “Туркистон генерал – губернаторлигининг сиёсий-маъмурий мустамлакачилик тизими”.

Мақсад: Ўқувчиларнинг асосий еътиборини Чор Россияси томонидан Туркистонда мустамлака тузилишининг жорий етилиши, олиб борилган мустамлака сиёсатининг Туркистон халқлари тақдирига кўрсатган таъсири, бу сиёсатнинг асл маъно моҳияти ҳақида Туркистоннинг Россиянинг ички бозорига, мустамлакасига айланиши, унинг ташқи дунёдан ажратилиб қўйилиши, кўчирувчилик сиёсати ва бошқаларга тўғри ва одилона баҳо беришга ўргатиш.

Ўқитувчи дарсни кириш сўзи билан очиб, мунозара учун ўқитувчилар ўртасига қуйидаги саволларни ташлайди:

1. Туркистонда Чор Россияси мустамлакачилик ҳукмронлиги

ўрнатилишига асос бўлган хужжат қандай номланган ва хужжатни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад нима?

2.Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарувчининг асосий бўғинларини санаб беринг.

3.Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил етилганидан кейин ўлкани сиёсий ва маъмурий бошқариш хусусиятлари нималарда мужассамлашган еди?

4.Россия чор ҳукумати томонидан Туркистонда ўрнатилган мустамлакачилик “плантацион” тизимининг моҳияти нимада?

5.Чоризм томонидан амалга оширилган кўчирувчилик сиёсатининг оқибат ва натижаларини айтиб беринг.

6.Туркистон генерал-губернаторлигида қайси ҳокимият идоралари судлов ишларини амалга оширган?

7.Ўлкадаги мустамлака бошқарув тизимининг мақсади ва хусусиятлари ҳақида фикримиз қандай?

8.Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги 1886 йилги янги “Низом” чиққандан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарувида қандай ўзгаришлар рўй берди?

Мунозара давомида ўқувчилар ҳар бир саволга ўз жавобларини айтадилар, айтган фикрларини одамлар билан исботлайдилар. Мунозара сўнгида ўқитувчи тўғри ва аниқ фикрни ким айтганлигини айтади ёки тўғри ва аниқ фикрни ўзи айтади. Сўнг натижалар ҳисобга олиниб, еълон қилинади, фаол ўқувчилар баҳоланади.

Ўқитувчи мунозара давомида ўқувчиларн баҳоламаслиги керак, чунки қўйилган баҳо ўқувчини чалғитиб, мунозаранинг тўхтаб қолишига ёки сустлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Мавзуни: “Кейс стади” услуби асосида ўқитиш.

Мавзу: “Подшо Россиясининг Ўрта Осиёга истилочилик юришларининг бошланиши”.

“Кейс стади” услуби учун синфдаги ўқувчиларнинг сони ҳамда

синфнинг қандай жиҳозланганлиги муҳим роль ўйнайди. Аввало мавзуга мослаб махсус режа тузиб олинади. Махсус режа қуйидагича тузилади.

Т.р.	Блоклар	Мазмуни	Ажратилган вақт
1.	Ахборот блоки (5 киши)	Мавзу юзасидан барча муҳим маълумотларни гуруҳ аъзолари томонидан тўлалигича бурилади.	10 минут
2.	Таҳлил блоки (5 киши)	Бу гуруҳ аъзолари берилган маълумотларни таҳлил қилиб мавзунинг мазмунини очиб беради.	10 минут
3.	Хулоса блоки (5 киши)	Бу гуруҳ аъзолари маълумотлар ва таҳлиллари умуллаштириб мавзунинг осилмаган қирраларини очиб, хулосалар беради.	10 минут
4.	Танқид блоки (3-4 киши)	Бу гуруҳ барча гуруҳлар томонидан қўйилган камчиликларни очиб беради ва уларнинг фаолиятини баҳолайди.	10 минут

Мавзу юзасидан “Асосий режа” қуйидагича тузилади:

1. Ўрта Осиё масаласида инглиз рақобати.
2. Подшо Россиясининг Туркистонни босиб олиш режаси.
3. Россия истилчилик юришининг бошланиши.
4. Туркистон ва Чимкент шаҳарларининг чор қўшинлари томонидан босиб олиниши.

Мавзу юзасидан “Ахборот блоки” берган маълумотлар қуйидагича бўлади:

1. Англия ва Россия манфаатлари XIX асрнинг ўрталарида Туркистонда тўқнаш келди.
2. Англиянинг асосий мақсади учала хонлиқни қарши курашда бирлаштириш, Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш.
3. 1841-1842 йилларда Стаддорт ва Коннолини хонликларга махсус миссия Англия ҳукумати томонидан Ўрта Осиёга жўнатилиши.

4.Туркистонни босиб олишда Россия бош вазирининг режаси.

5.Сибирь қўшинлари қумондони Г.Госфордин Ўрта Осиёни босиб олиш режаси ишлаб чиқилди.

6.Оқмачит қалъасини босиб олиш учун қилинган дастлабки 1952 ва 1953 йилги ҳарбий ҳаракатлар бўлиб ўтди.

7.1860 йилда рус қўшинлари Пишкочка юриш қилди.

8.1864 йилда Авлиёта қалъаси руслар томонидан босиб олинди.

9.1864 йил 12 июлда Туркистон босиб олинди.

10.1864 йил сентябрь ойида Чимкентга рус қўшинлари бостириб кирди.

Таҳлил блоки:

1.XIX аср ўрталарида мустамлакачи империя давлатлар Россия ва Англия манфаатлари Туркистонда тўқнаш келди. Чунки Туркистон империя ва табиий хом-ашё базасига айланиши, шунингдек ўз молларини сотадиган бозорга айланиши мумкин эди. Инглиз сиёсатчилари Туркистонни Россия босиб олишидан хавфсираб, унинг чегаралари Афғонистонгаа етиб келмаслигини истар эди;

Шу тариқа ҳар бир ахборотни таҳлил қилиб, ўрганилиб борилади.

Хулоса блоки:

-Ўрта Осиёда инглиз-рус рақобати қандай натижа билан тугаганлигини, хонликларнинг ўзаро келишмовчиликлари, ўзаро ички зиддиятнинг мавжудлиги Ўрта Осиёни аста-секинлик билан руслар томонидан эгаллаганлигини умумий хулосалар билан якунлайди.

Танқид блоки:

-“Ахборот блоки” берган маълумотлардаги хато ва камчиликларни, “Таҳлил блоки” мавзунини ёритишдаги эътибор берилмаган томонларини, “Хулоса блоки”ни якуний хулосалардаги жиддий хатоларни таҳлил қилиб, мавзу доирасидаги айрим қўшимчаларни таъкидлаб ўтади. Шундан сўнг ўқитувчи ва “Танқид” блоки биргаликда гуруҳларни мавзу юзасидан олган баҳоларини эшиттиради.

Келгуси дарсда гуруҳлардаги ўқувчиларни алмашиб тайёрланиб келишлари айтилиб, янги мавзу бериб юборилади. Бу усул дарс давомида барча ўқувчиларнинг рейтинг балларига эга бўлишини белгилаб қолмай, балки усулларнинг дарсдаги фаолликларини оширади.

Тарих дарслари бўйича синфда ва синфдан ташқари тадбирларни амалга оширишнинг қуйидаги усули мавжуддир:

1.Оғзаки

2.Амалий

3.Кўргазмали

1)Оғзаки усулга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: дарс жараёнидаги ўқитувчининг жонли нутқи, маъруза, савол-жавоб ўйинлари, тарихчи олимлар ва профессорлар билан учрашувлар.

2)Амалий усулга: “Ёш тарихчи” кўрик танлови, олимпиадалар, кроссвордлар ечиш ёки викториналар ўтказиш, тарихимиз ҳақидаги кинофильмлар уюштириш ва бошқалар киради.

3)Кўргазмали усулга: мактаб бурчаклари; ўқув хонаси ва дарсда фойдаланиш учун кўргазмали қуроллар тайёрлаш, газеталар чиқариш кабилар киради.

Б)Мавзунини ўрганишда дарсларда баъзи ўзаро фаол усуллар ва услубларни қўллаш бўйича ўқитувчига тавсиялар.

Бугунги кун ўқитувчиларига дарсда ўқув машғулотларини ташкил этишга ижодий ёндашиш, ўқитилишининг турли шаклларида фойдаланиш, айниқса ўқувчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи миллий педагогикамиздан ва янги педагогик усулларида унумли фойдаланиш тавсия этилади. Мен битирув малакавий ишимда янги педагогик технологиянинг осон ва қониқарли бир нечта услубларини тавсия этмоқчиман. Булар қуйидагилар:

1.“Танқидий тафаккур” услуби ўқувчига қўйилган масала ёки муаммо юзасидан танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи-назаридан асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишига асослангандир.

2. Одатда бундай зарурат муҳокама характериға эға масалаларни ҳал этаётганда юзаға келади. Бу нарса ўқитувчиға ўқувчиларнинг тинглаш ва мулоқот қилиш кўникмаларини, турли нуқтаи-назарларни тушуниш малакасини ривожлантириши, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, таҳлилий мушоҳада юритиш ва фикрлаш лаёқатини ошириш, уларнинг ўз фикрларини шакллантириш маҳоратини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

“Танқидий тафаккур ёки ўтказиш услубияти”.

1. Ўқувчиларға муҳокама характеридаги муаммо, топшириқ ёки чалкаш масала қўйилади ва қуйидаги саволлар берилади:

- 1) Нима деб ўйлайсиз?
- 2) Фикрингиз қанақа?
- 3) Сизнингча қандай?

Бу каби саволлар ўқувчининг ўз нуқтаи-назарини шакллантиришға йўналтирилган бўлади.

2. Ўқувчиға ўз нуқтаи-назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилади.

3. Ўқувчи ўз фикрини асослайди, бунда унинг нуқтаи-назарини аниқлаб олиш учун қуйидаги саволларни бериш мумкин:

- Неға шундай деб ўйлайсиз?
- Нимаға асосланиб бундай хулосаға келдингиз?

4. Ўқитувчи кўриб чиқилаётган масала юзасидан бошқа фикрда бўлган ўқувчиларға сўзлаш имкониятини беради, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

- Кимда бошқача фикр бор?
- Кимлар айтилган фикрларни маъқуллайдилар? Неға?

5. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ҳар хил нуқтаи назарларни муҳокама қилиш воситасида барча фикрларни таҳлил қилиб чиқади, бунда қуйидагича саволлар бериш мумкин:

- Неға бошқа ўқувчининг фикрини маъқулламайсиз?

-Ўз фикрингизни тасдиқловчи далиллар келтира оласизми?

6.Муаммоли топшириқ, масала, чалкаш масала бўйича қабул қилинган қарорга ўқувчилар томонидан ўз нуқтаи назарини қабул қилиши ёки қайта баҳолаши билан эришилади, унда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Сиз кимнинг фикрига қўшилиб уни маъқуллайсиз?

-Юзага келган вазиятдан қайси йўл билан чиқиш маъқулроқ?

“Танқидий тафаккур” услубини ўтказиш қоидалари.

1.Аниқ белгилаб қўйилган вақтда ўқувчилар кўрсатилган топшириқ ёки чалкаш масаладаги ролларни ижро этишлари лозим.

2.Роль ўйнаши натижаларига кўра ўйин муҳокамаси ва баҳоланиши амалга оширилади. Иштирокчилар ва кузатувчилар ўйин пайтида содир бўлганларни таҳлил қилиб чиқиш ва муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Ролли ўйин ўтказилаётганда қандай натижаларга эришилади?

-Қайси муаммо тилга олинди ва у ўз ечимини топди?

“Ролли ўйин” услубини ўтказиш қоидалари:

1.Ролли ўйинни ўтказиш учун белгиланган вақт регламентига аниқ риоя этиш лозим.

2.Ролли ўйинда иштирок этмаётган ўқувчилар кузатувчилар сифатида ишга солиниши ёки ёрдамчи ролларни ижро этишлари мумкин.

3.Ўйин муҳокамаси пайтида ўқувчилар айтган фикрлар бошқа фикрда бўлган ўқувчилар томонидан назарда тутилган регламент доирасида асосли танқидга ёки муҳокамага тортилиши мумкин.

4.Зарур бўлиб қолган тақдирда баён этилган фикрга тузатишлар киритиш керакки, бу нарса ҳоҳ ёки фикрни аниқ ва қисқа ифодалаш имконини беради.

2.”Уч поғонали интервал” (Каган, 1990 йил) – бу биргаликда ўқитиш услуги бўлиб, бунда ўқувчилар ўзаро бир-бирларига савол бериш,

шерикларининг фикрларини эшитиш, ўзларининг танқидий фикрларини айта олиш имкониятига асослангандир. Бу услубни ўқитувчи ҳар қандай турдаги дарсда қўллаши мумкин.

“Уч поғонали интервью” услубини ўтказиш услубияти.

1.Ўқитувчи ўқувчиларни 4 кишидан иборат бўлган гуруҳларга бўлади.

2.Берилган вазифа бўйича ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи чиқиб, ўз шеригидан интервью олади, яъни ёритилиши лозим бўлган масала юзасидан бир-бирларига савол бериб жавоб оладилар.

Масалан А (ўқувчи) Б (ўқувчи)дан интервью олса, В (ўқувчи) Г (ўқувчи)дан интервью олади, ҳамда ўртоғининг фикрини дафтарига қисқача ёзиб қўяди.

3.Энди жуфтликлар ўрин алмашадилар, яъни Б (ўқувчи), А (ўқувчи)дан, Г (ўқувчи) эса В (ўқувчи)дан интервью олади. Ҳар бир жуфтликнинг интервьюсига икки дақиқадан вақт ажратилади.

4.Бу босқичда ўқувчилар олинган интервьюларни муҳокама ва таҳлил қиладилар.

“Уч поғонали интервью” услубини ўтказиш қондаси.

1.Ўқитувчи белгиланган вақтни ҳисобга олиши лозим.

2.Ҳар бир ўқувчи интервью берганидан ва интервью олганидан сўнг командага қайтиб шундай жойлашсинки, натижада навбати билан командадаги ҳар бир ўқувчи интервью олишга ва интервью беришга муваффақ бўлсин.

3.”Ақлий хужум” услуби синфдаги ҳар бир ўқувчига ўқитувчи қўйган савол ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этишга имкон берувчи ўқув услубидир. Услуб моҳияти “битта калла яхши – йигирматаси унданда яхши” тамойили бўйича ўқитувчи томонидан белгиланган муаммо ёки савол юзасидан эҳтимол тутиладиган ҳамма фикрлар вариантларини бир жойга жамлай олишида бўлиб, истисно тариқасида ўқувчиларнинг барча фикрлари, шу жумладан айтарли тўғри бўлмаганлари ҳам инобатга

олинади.

Бунда яхши идрок этилиши учун ана шу фикрларнинг барчасини доскага ёки флипчертга (махсус ёзув қоғози) ёзиб бериш керак. Бу нарс баён этилган фикрларнинг кейинги таҳлилида қўйилган муаммони тушунишга имконият беради.

“Ақлий ҳужум”ни ўтказиш услубияти.

1.Ўқитувчи синфга савол, топшириқ ёки муаммо беради ва ўқувчиларга ўз фикрларини айтишни таклиф қилади.

2.Истило тарикасида барча фикрлар доскага ёки флипчертга ёзиб борилади.

3.Барча фикрлар ёзиб олингандан кейин ўқитувчи ўқувчилар билан ғояларни текшириб, айтилган фикрларга тузатишлар киритади, кейинчалик ишда фойдаланиш мақсадида улардан энг муҳимларини ажратиб кўрсатади.

“Ақлий ҳужум”ни ўтказиш қоидалари.

1.”Ақлий ҳужум”ни ўтказиш учун белгиланган вақт регламентига аниқ риоя этиш лозим.

2.Белгиланган вақт доирасида барча ҳохловчиларга ўз фикрларини баён этиш имкониятини бериш керак.

3.Ўқувчилар томонидан айтилган фикрлар танқид ва муҳокама қилинмаслиги ёки баҳоланмаслиги лозим.

4.Зарур бўлиб қолган тақдирда баён этилган фикрга тузатишлар киритиш керакки, бу нарс баён ёки фикрни аниқ ва қисқача ифодалаш имконини беради.

4.”Академик баҳс” услуби ўқувчиларга ўз фикрларини асослаш учун далиллар тайёрлаш ва уларни бошқаларга тақдим этишда ёрдам бериш учун мўлжалланган ҳамда қарши томонларнинг фикрларини диққат билан эшитишга ўргатадиган ўқув фаолият туридир.

“Академик баҳс”ни ўтказиш услубияти.

1.Ўқитувчи ўқувчилар томонидан камида икки мавқени шакллантирувчи муҳокама учун сўзларни тайёрлайди.

2.Ўқувчилар 4 ёки 6 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳчаларга бўлинадилар.

3.Гуруҳда ҳар бир жуфт ўқувчига улар ҳимоя қилиши керак бўлган савол бўйича мавқе берилади.

4.Жуфтлик ўзининг мавқеини қўллаш учун далилларни санайди.

5.Жуфтлар вақтинча бўлиниб, ўз синфдошлари билан янги жуфтлар ташкил қиладилар ва ўз мавқеларини ҳимоя қиладилар. Улар олдинги жуфтларнинг ҳар бири ўз мавқелари ҳимояси учун санаб ўтилган далиллар билан алмашадилар.

6.Ўқувчилар ўзларининг биринчи гуруҳдаги шерикларига қайтадилар ва “Биз ўзимизнинг А,Б,В...лардай қарашларимизни қўллаймиз” деган далилларни қўллайдиган сўзларини тузадилар.

7.Ҳар бир жуфтлик бошқа жуфтликка ўзининг далилини тақдим қилади, улар эшитадилар ҳамда ёзадилар.

8.Иккала жуфтлар баҳслашишни бошлайдилар.

9.Вариант сифатида ҳар бир жуфтлик мавқеларини алмаштириб тўртдан саккизгача бўлган қадам ҳаракатини қайтариши мумкин.

10.Пировардида ўқувчилар ўз нуқтаи-назарларини қўллашни тўхтатадилар ва олдинги муҳокамадан энг яхши далилларни қўлловчи, консенсусга келиши мумкин бўлган мавқени тузадилар.

5.Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ошириш мақсадида тарихий мавзудаги бошқотирмаларни ечиш, синфдаги ўқувчиларни 3 гуруҳга бўлган ҳолда умумлаштирувчи такрорлар дарсларини ўтишда “Ўйла, изла, топ”, “Ўткир зеҳинлилар мушоираси” тарзида дарсларни ташкил қилиш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини орттиришга ёрдам беради.

Юқорида санаб ўтилган дарс ўтиш услубларининг барчаси ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини орттиради, фанни чуқур ва яхши ўрганиб ўзлаштиришларига сабаб бўлади. Бу услублардан Тарих дарсларида кенг ва самарали фойдаланилса, ўқувчи тарихдаги мураккаб жараёнлар моҳиятини онгли тарзда тушуниб улардан турли хулосалар

чиқаришни ўрганади, тарихий тафаккури тарих ҳақиқати асосида шаклланади деб ўйлайман.

Тарих дарсларида дарс услубларининг алмаштирилиб турилиши билан ўқувчиларнинг зекиб қолиши, натижада дарсга бўлган қизиқиши сусайишининг олди олинади.

Хулоса:

XVIII асрдаги парокдалик, уч хонликдаги ўзаро маҳдудлик ва маҳаллийчилик юртимизни жаҳонгир давлатлар исканжасига солди.

Босқинчилар учун кулай замин яратди. Натижада XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Туркистон халқларини асоратга солди. У ўлкани сиёсий-худудий жиҳатдан забт этибгина қолмай, балки эрксевар, заҳматкаш халқини маънавий-руҳий бўйсундиришга ҳам аҳд қилди. Чоризм жорий этган сиёсий тузум ўлкада ҳукмрон рус давлатчилигини қарор топтиришга қаратилди. Ана шу мақсадда ўзбек миллий давлатчилигининг асос-этиборини йўқ қилишга чора-тадбирлар амалга оширилди.

Таъсис этилган маҳаллий бошқарувдаги сайлов тизими аслида афкор омmani чалғитишга қаратилган эди. Волост бошқарувчилари – мингбошилар, қишлоқ оқсоқоллари ҳамда маҳаллий “халқ судлари” – қози ва бойлар аслида рус маъмуриятининг иродасини ифода қилувчи кишилар бўлиб, мустамлака сиёсатини ўтказишда воситаси бўлишган холос. “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом” рус дворянлари ва буржуазияси манфаатларини қонунлаштирган бир қомус эди.

Россия ҳукуматининг сиёсий тусга эга бўлмаган барча фуқаролик ишларини қози ва бий судларига топшириши тагида аслида ғаразли мақсад ётган. Мустамлакачилар шариат қонун-қоидаларидан ўз истибдод тузумларини мустаҳкамлашда фойдаланмоқчи бўлишган.

Туркистон халқларига берилган “сайлов ҳуқуқи” ҳам аслида узоққа мўлжалланган кўзбўямачилик сиёсати эди. “Низом” сиёсий тусга эга бўлмаган барча ишларни маҳаллий аҳолидан сайланувчи вакиллар – ўнбоши, элликбоши, юзбоши, оқсоқол ва волост бошқарувчисининг бошиларга расман топшириб қўйган афкор омма ўртасида гуё Туркистонда ўз-ўзини бошқарув ҳукмрон деган тасаввурни уйғотиш лозим эди.

Мустамлакачилар Туркистон халқлари турмушида нимаики уларнинг истиқболига тўғаноқ бўлса, нимаики уларни озодлик учун курашдан чалғица, ҳаммасини қўллаб-қувватлаган ҳолда, истиқлолга хизмат қилажак барча интилишларнинг пайини қирқдилар.

Россия империяси ўлкани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро

амирлиги ва Хива хонлигидан иборат уч қисмга бўлиб, туб аҳоли бирлиги ва сиёсий қудратини синдириш йўлида барча воситалардан фойдаланди. Минг йиллардан бери давом этиб авлоддан-авлодга ўтиб яшаётган миллий давлатчилик ва миллий қадриятларни йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишга солди. Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом ўз моҳият-эътиборига кўра шу мақсадга қаратилди. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат бўлди:

А) маҳаллий бошқарув, урф-одат ва қонун-қоидалардан миллий давлатчиликнинг барча асосларини таг-туғи билан йўқотиш;

Б) ўлка турмушига буткул ёт ва бегона бўлган уезд, участка, волост каби маъмурий-худудий бирликларни жорий этиш;

В) қишлоқ йиғини ва волост курултойи таъсис қилиб, сунъий тарзда қишлоқ бошқарувини ташкил қилиш;

Г) сиёсий тусга эга бўлмаган барча ички бошқарувда сайлов тизимини таъсис этиш ва бу билан аҳолини “ўз-ўзини бошқаруви”ни шаклан гавдалантириш;

Д) маҳаллий бошқарувга миршаб-жосуслик тусини бериб, қуйи амалдорларни итоаткор малайларга айлантириш;

Ж) ўлкани руслаштириш ва янги “Рус Туркистони”ни барпо этиш.

Булар мустамлака идорасининг барча буғинларида ўз ифодасини топди.

Россиянинг Туркистондаги аграр сиёсати метрополия дворян-помешчиклари ва буржуазимининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини яққол гавдалантирди. Бу сиёсатнинг бош мақсади ўлкани империя саноатининг хом-ашё маконига айлантириш эди.

Империя икки ҳукмрон синф манфаатларини кўзлаб иш тутди. Аграр сиёсатда дворянлар талабига кўра Туркистон халқига тегишли ерларни зўрлик билан тортиб олди ва рус посёлкаларини барпо этди. Буржуазиянинг талабига кўра эса, қишлоқларда пахта яккахокимлигини ўрнатиш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширди. Россиянинг

Давлат Кенгаши, Вазирлар Кўмитаси ва Давлат Думасида Туркистон ҳақида қабул қилинган қонун-қоидаларда дворян помещиклар ва буржуазия манфаатлари ўз аксини топди.

Санкт-Петербург ўтроқ аҳолининг ерларини қишлоқ жамоалари ва йиғинларига бириктирган ҳолда, солиқ бўйича доиравий маъсулиятлик қоидасини жорий этиш билан судхўрликни авж олдирди.

Империянинг кўчирувчилик сиёсати, доиравий жавобгарлик сингари, ўлка аҳолисининг ерсизланишини кучайтирди. Рус унсурининг эса моддий ва сиёсий жиҳатдан нуфузини оширди.

Аграр сиёсат империясининг ҳарбий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг узвий қисмига айлантирилди. Рус посёлкалари ва туб жой аҳоли яшаб турган қишлоқларда рус хўжаликларининг вужудга келтирилиши ана шу сиёсатнинг амалдаги ижроси бўлди. Туркистондаги ҳар бир рус посёлкаси бутун бир батальон хизматини ўтовчи ҳарбий кучга айлантирилди.

Амалга оширилган иқтисодий сиёсат ер-сувни, яйловларни ва барча табиий бойликни чор ҳукумати қўлида жамлади, улар мўмай даромад манбаига айланди.

Метрополия ўлкани хом-ашё маконига айлантириб, пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик ва бошқа муҳим хом ашё маҳсулотлари етиштириш тармоқларига катта эътибор берди. Саноат қурилиши соҳасида чоризм метрополия буржуазия манфаатларига мос хом-ашёни дастлабки ишловчи корхоналар қурилишини қувватлаб, ўлкада қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати ривожига тўсқинлик қилиб турди.

Россиянинг мустамлакачилик сиёсати Туркистонни рус товарлари сотиладиган тайёр маҳсулотлар харид қилинувчи бозорга айлантирди. Бу эса маҳаллий ҳунармандчиликни инқирозга олиб келиб, ягона миллий бозорнинг ривожланишига йўл бермади.

Империянинг мустамлакачилик сиёсати халқ маорифи ва маданий ҳаётда ҳам ўз аксини топди. Империя илм-фан, халқ маорифи, матбуот

соҳасида Туркистон халқларининг қадимий тарихи, тили, урф-одатлари, миллий ғурури ва эрксеварлик туйғуларини йўқотишга, қисқаси уларни ўзлигидан жудо қилишга қўлидан келганча ҳаракат қилди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади ўлкадаги миллий давлатчилик, миллий онг, миллий ўзликни англашга қаратилган барча ҳаракатларни таг-туби билан қўпариб ташлаш эди.

XX асрнинг бошларида миллий буржуазия, зиёлилар ва уламоларнинг илғор қисми мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш йўлидан бориб, янги усул мактабларини очдилар. Янги усулдаги мактаблар эса рус тузем мактабларига қарама-қарши ўлароқ, маърифат ўчоғи, янги маънавият, маданият маскани, рус мустамлакачилари зулми остида миллий ғурур, кадр-қиммати топталган, танланган, юрагига қўрқув-даҳшат солинган халқларни миллий мустақиллик учун курашга ҳозирловчи тарғиботхоналар вазифасини ўтадилар.

Жадидлар янги усул мактаблари тармоғини яратиш билан мустамлака истибдоди исканжасига тушиб қолган миллий руҳларни қўзғатиш ва ўзликни англаш жараёнини кучайтиришга интилувчи куч сифатида саҳнага чиқдилар. Улар истеъдодли ёшларни хорижга ўқишга юбориш орқали миллат инқилоби устунларига тамал тошини қўйдилар. Жадидларнинг “Тараққий”, “Хуршид”, “Садий Туркистон” каби газеталари ўзбек миллий матбуотини яратди.

XX аср бошларида Туркистон истиқлоли учун курашнинг назарий асосини Исмоил Гаспиралининг маърифатпарварлик ғоялари ва уларни амалда ривожлантирган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат ва Тошпўлатбек Норбўтабеков каби жадидлар яловбардорларининг фаолияти ташкил этди. Россия (1905-1907), Туркия ва Эрон (1908-1911) инқилоблари Туркистондаги истиқлол курашига зўр туртки бериб, ўлкада “Тараққийпарварлар” номи остида тарихга кирган зиёлилар фирқасини вужудга келтирди. Бу фирқа “Турон” ва “Шўрои ислом” каби нуфузли ташкилотлар шаклида келгуси воқеалар ривожига

салмоқли роль ўйнайди.

1916 йилги кўзғалон Туркистондаги халқ оммасининг истиқлол курашида энг юқори босқич бўлиб, унда ижтимоий, иқтисодий, диний, сиёсий ва миллий-озодлик ғоялари ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Истиқлол курашининг ғоявий илхомчилари бўлган жадиidler Петроградга бориб мардикорликка сафарбарлик муддатини кечиктиришга муваффақ бўлишгани, Россия парламенти Давлат Думасида халқ кўзғолонини қонга ботирган мустамлакачиларнинг бебошлигини фош этгани ҳамда уларнинг жиноятларини текшириш учун Туркистонга давлат Думаси комиссияни олиб келишганининг ўзи ҳам уларнинг миллий озодлик кўзғолонида ўз ўринларига эга бўлганликларидан далолат беради.

Мустамлака тузумига, чоризмга қарши ҳаракатда истиқлол курашчилари билан инқилобчилар ўртасидаги муштараклик феврал инқилобига қадар давом этди. Синфий курашни мақсад қилган инқилобчилар ҳамда тинч ривожланиш ва ислохотлар йўлини танлаган истиқлолчилар ўртасидаги зиддиятлар Туркистондаги 1917 йил воқеалари ривожидagi асосий йўналишларни белгилади.

Юртбошимиз Ислom Абдуғаниевич Каримов 1998 йилда бир гуруҳ тарихчи олимлар билан қилган суҳбатида Туркистонда Чор Россияси ўтказган мустамлакачилик сиёсатининг оқибатларини холисона ёритиш вазифасини илгари суриб, шундай саволни кўндаланг қилиб қўйган эди: “...ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда ҳадқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қоладими ё йўқми?”.

Мустабид тузум шароитида ҳам халқимизнинг эркинликка, тараққиётга ва истиқлолга бўлган азалий интиқлик кайфияти сўнмади. Халқимизнинг юрак-бағрига теран ўрнашган мустақиллик ва озодлик туйғуси тобора қудратли кучга айлана борди ва пировард натижада

Ўзбекистон истиқлоли тантанаси учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.И.А.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., Шарқ, 1998.

- 2.И.А.Каримов. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура”. 1-жилд. Т, “Ўзбекистон”, 1998.
- 3.И.А.Каримов. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз”. Т, “Ўзбекистон”, 1999.
- 4.Ўзбекистоннинг янги тарихи. “Туркистон Чор Россияси муштамлакачилиги даврида”. Т, 2000.
- 5.Х.Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., Шарқ, 1998.
- 6.Х.Зиёев. Чоризм ва пахта яккахокимлиги. Т, Шарқ юлдузи, 1998, 7-сон.
- 7.Х.Зиёев. “Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси”. Т, 2000.
- 8.Шамсутдинов, Каримов. Туркистон Россия босқини даврида. Андижон, Мерос, 1998.
- 9.Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишнинг долзарб масалалари. Т, Ўзбекистон, 1993.
- 10.Ўзбекистон халқлари тарихи. Т, Фан, 1993.
- 11.Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. “Таълим тараққиёти”, 2-махсус сон. Т, 1993.
- 12.Бобобеков Х.Н. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми? “Фан ва турмуш”, 1989, 8-9 сонлар.
- 13.М.Хасаний. Туркистон босқини. Т, “Нур”, 1992.
- 14.Разимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. Т, Ўқитувчи, 1995.
- 15.Чориев Зоир. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари. (1916-1917 йиллар). Т, Шарқ, 1999.
- 16.Чарльз Темпл. Танқидий фикрлашни ўргатиш. Ўқув қўлланма. 1996.

Дарсликлар:

1.Х.Бобобеков, Ж.Содиқов, Х.Содиқов. Ўзбекистон тарихи. 8-синф ўқувчилари учун дарслик. Т, 1994.

2.Г.Хидоятлов, В.Костецкий. Ўзбекистон тарихи. 9-синф ўқувчилари учун дарслик. Т, “Ўзимконсент”, 2002.

Матбуот:

1.”Халқ таълими” журнали. 1997, 6-7 сонлар.

2.”Маърифат” газетаси.